*Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi*

# O‘ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN’ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 10 (4565) // 2020-yil 6-mart

## ЮКСАК ЭЪТИБОРНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

*Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида янги Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, азиз опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги мақоми ва обрў-эътиборини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор йўналиш сифатида қаралмоқда.*

Айниқса, баҳорий гўзаллик ва нафосат айёми – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида мўътабар оналаримиз, мунис ва дилбар аёлларимиз, латофатли қизларимизга меҳр-оқибат ва юксак иззат-икром кўрсатишдек эзгу ва хайрли анъаналаримиз кенг миқёсда намоён бўлмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 5 март куни мамлакатимиз хотин-қизларининг энг фаол ва ташаббускор вакилларидан бири – Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги “Нурли обод” фермер хўжалигининг раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Лола Муротова билан телефон орқали мулоқотда бўлиб, яқинлашиб келаётган қутлуғ байрам билан қизғин табриклади.

Давлатимиз раҳбари самимий суҳбат чоғида Лола Муротованинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва фермерлик ҳаракати ривожига, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қўшаётган беқиёс ҳиссасини, кўп йиллик заҳматли ва ҳалол меҳнатларини, она Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлидаги муносиб хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Лола Муротова ўзининг қирқ йилдан ортиқ давр мобайнида бой тажрибаси, бутун билими ва куч-ғайратини диёримиз ободлиги ҳамда элимиз фаровонлигига сафарбар этгани, шунингдек, жонкуяр, камтар ва оқила ўзбек аёли сифатида ёш авлод ва бутун мамлакатимиз хотин-қизлари учун чинакам ўрнак ва намуна бўлаётгани ҳурмат билан қайд этилди.

Президентимиз ҳозирги вақтда даволанишда бўлган машҳур фермерга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бардамлик, ҳамиша яқинлари эъзозу ардоғида бўлиб юришликни тилади.

Лола Муротова, ўз навбатида, юртбошимизга иш жадвали тиғиз бўлишига қарамай кўрсатган чексиз ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлашлари учун чин қалбдан ташаккур изҳор этди. Бундай самимий илтифот ва рағбатни мамлакатимизнинг барча аёлларига доимий равишда кўрсатиб келинаётган юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодаси сифатида мамнунлик ила қабул қилишини айтиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан, шу куни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Танзила Норбоева Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муротовани қутлуғ айём муносабати билан қутлаш ва ҳолидан хабар олиш учун Фарғона вилоятига шахсан ташриф буюрди ҳамда Президентимизнинг байрам совғаларини топширди.

**ЎзА**

## БАҲОР НАФАСИ

*Камолиддин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида очилган “Баҳор нафаси” номли кўргазмада рангтасвирчи, кино ва театр рассоми Мусаввар Ўлмасованинг қўклам руҳи уфуриб турган қирқдан зиёд турли мавзудаги асарлари намойиш этилмоқда. Унинг ижодида ранг-баранг гуллардан тузилган композициялар етакчилик қилади.*

Ижодкор ҳар бир гулнинг гўзаллигини нозик дид билан ифода этган. Айниқса, “Лолақизғалдоқлар”, “Оқ атиргул”, “Гулхайри”, “Гулсапсар”, “Атиргуллар”, “Настарин” сингари асарлар аниқ ва пухта композицион ечими ҳамда рангларнинг мутаносиб ишлатилгани билан томошабинларда катта таассурот қолдирди. “Сўқоқ қишлоғи”, “Юртимизда баҳор”, “Ёмғирли кун”, “Чорвоқда баҳор” сингари асарларида дунёнинг мўъжизакорлигини, табиатнинг турфа хил рангларини кўриш мумкин. Муаллиф нафақат борлиқни, балки қалб кечинмаларини ҳам асарларида жонлантиришга ҳаракат қилган. Айниқса, гулдондаги турфа гуллар тасвири ёшларда катта таассурот қолдирди.

**Сарвара ҚОСИМОВА**

*8 март – Халқаро хотин-қизлар куни*

## СИЗ ГЎЗАЛСИЗ – МИЛЛАТ ГЎЗАЛДИР

**Сиз оҳунинг кўзидан гўзал,**
**Сиз булбулнинг сўзидан гўзал,**
**Гўзалликнинг ўзидан гўзал,**
**Бу айтимлар мадҳи азалдир,**
**Сиз гўзалсиз – миллат гўзалдир.**

**Сиз ой билан опа-сингилсиз,**
**Офтобдан ҳам ёниқ кўнгилсиз,**
**Яхшиликдан яйраган дилсиз,**
**Борлиғингиз байту ғазалдир,**
**Сиз гўзалсиз – миллат гўзалдир.**

**Таманноси тошни эритган,**
**Сиз баҳорсиз, қишни қаритган,**
**Малҳами жон, дардни аритган,**
**Кўркингизга кўклам маҳталдир,**
**Сиз гўзалсиз – миллат гўзалдир.**

**Аёл қувонч қатидаги гул,**
**Оқ каптарнинг хатидаги гул,**
**Сизсиз дунё ғарибдир буткул,**
**Садоқатда сизлар аввалдир,**
**Сиз гўзалсиз – миллат гўзалдир.**

**Она деса, кетар дил тошиб,**
**Умр кўрсин, юзлардан ошиб,**
**Биз юрайлик сизга гул ташиб,**
**Борлигингиз юртга сайқалдир,**
**Сиз гўзалсиз – миллат гўзалдир.**

**Маҳмуд ТОИР**

## ШУНДАЙ ЎЛКА ДОИМ БОР БЎЛСИН

*Табиатнинг бизга баҳор қанотларида йўллаган, йўллаётган гўзалликлари билан бирга бу танти, бетакрор фасл аввалига оналар, аёлларнинг байрами ҳам эш келади. Аслида дунё аёлни фақат бу фаслда эмас, минг йиллардан буён танийди. Уни гоҳ покизалик рамзи — фаришта, гоҳ эса оламнинг меҳр-меҳварига қиёслайди. Баъзан курашчи, баъзан эса посбон мақомида таърифлайди, кўрсатади.*

Аёл ҳаётининг қайси бир палларида ўзининг фавқулотда ҳодиса эканлигини, ҳеч қачон ҳеч нимага ўхшамаслигини намоён этади. Янги сифатлар излашга ундайди. Бизнинг она юртимиз ҳам Аёлга янги ташбеҳлар излаётган дунёнинг бир қисми. Ардоқли устозимиз Зулфияхоним бир шеърида: “Аёл ўзи чўққидир бугун...” тарзидаги ташбеҳни қўллаган эди. Яна бир отаҳқалб шоирамиз Ҳалима Худойбердиева опа-сингилларимиз ёнига “муқаддас” сифатини муносиб кўради. Аёлни бу шарафли мақомга кўтарган, аввало, ўзининг доим ҳам кўринавермайдиган ботиний кучи бўлса, яна бир сабаби у яшаган, яшаётган замон билан боғлиқ. Ҳар жиҳатдан олиб қараганимизда ҳам Аёлни ўз даврониди узиб олиб баҳолаб бўлмайди, унинг чеҳрасидаги қувонч ёки кўзларидаги ташвиш сояси ҳам замон қадамларига, нафасига туташган бўлади. Шу маънода, биз ўзимиз оналаримиз, қизларимиз учун чин дилдан қувонсак, фахрлансак арзийди. Чунки Ватанимиз мустақилликка эришганидан буён қабул қилинган ўнлаб фармонлар, қарорлар юртимиз хотин-қизларини оилада, меҳнат жабҳаларида ўзларининг ҳимояланганини ҳис қилишларига қаратилган. Айниқса, кейинги йилларда ўзбек аёлининг ижодкорлиги, истеъдоди хонадони доирасида қолиб кетмаслиги, унинг меҳр-муҳаббат кучини улуғвор вазифаларга йўналтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўтган йили Олий Мажлис Сенати раиси лавозимига тарихимизда илк бор аёл – Танзила Норбоева сайланди. Бу воқеа жамиятимизда катта акс садо берди. Гарчанд тарихимизнинг бирор саҳифаси аёллар жасорати, аёллар донишмандлиги, шон-шавкатидан айро ёзилмаган бўлса-да, жамиятимизнинг янги босқичидаги бу ишонч опа-сингилларимизга ўзгача рағбат бергани сир эмас. “Оққан дарё оқади”, деганлари рост экан. Шундай нуфузли лавозимга аёл кишининг муносиб кўрилгани билан ўтмишимизга нур бериб турган сиймолар Бибихоним, Гавҳаршодбегим, Гулбаданбегим, Нодирабегимнинг, яна уларга издош бўлган қанча хонимлар, ойимларнинг шарафи қайтгандек бўлди, деган эътирофлар айтилди.

2

## МЎЪТАБАР АЁЛЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида «Мўътабар аёл» кўкрак нишонини топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

**Дилбар МАҲМУДОВА**

**Муҳтарама УЛУҒОВА**

**Дилбар ТУРСУНОВА**

*Тақдирланганлар орасида таниқли ижодкорлар Дилбар Маҳмудова, Муҳтарама Улуғова ҳамда Ёзувчилар уюшмаси масъул ходими Дилбар Турсунова ҳам бор. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси ва “ЎзАС” таҳририяти номидан мукофотланган ҳамкасбларимизни чин дилдан муборакбод этамиз!*

Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Элмира Боситхонова мамлакатимизда аёлларни, билим олишга иштиёқи баланд қизларни қўллаб-қувватлаш, улар манфаатларини ҳимоялаш, ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга устувор эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ «Мўътабар аёл» кўкрак нишони таъсис этилганди.

Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик, ташаббускорлик кўрсатган, ҳалол меҳнати билан оиланинг шаклланиши, унинг фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, миллий қадриятларимизни тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар мазкур кўкрак нишонига муносиб кўрилмоқда.

Ўтган йили Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг «Мўътабар аёл» кўкрак нишони билан халқ эътирофига сазовор бўлган, меҳнат фаолиятида кўплаб ютуқларга эришган, оиласи билан намуна бўлаётган 290 нафар хотин-қиз тақдирланган эди.

2020 йилда кўкрак нишони йўриқномасига ўзгартириш киритилиб, ушбу нишон 50 ёшдан юқори бўлган, оиласидаги муҳит билан бошқаларга ўрнак бўлишни ҳаёт тарзига айлантирган аёлларга берилиши белгилаб қўйилди ва 287 нафар аёл «Мўътабар аёл» кўкрак нишонига муносиб кўрилди.

Тақдирланганлар орасида ҳудудларда яшаб, ибратли фаолият кўрсатаётган опа-сингилларимиз, мунис онахонларимиз ҳам бор. Улар турли соҳа вакиллари экани эътиборга моликдир.

– Йигирма беш йилдан буён «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида ишлайман, – деди «Мўътабар аёл» кўкрак нишони соҳибаси Саноат Раҳимова. – Камтарона меҳнатларим эъзозланганидан кўнглим осмон қадар юксалди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова мамлакатимизда аёл зотини улуғлаш борасида кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорлик билдириб, мушфиқ онахонларга бағишланган монологни ўқиб берди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт тадбирга янада файз бағишлади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ШУНДАЙ ЎЛКА ДОИМ БОР БЎЛСИН...

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши нафақат хотин-қизларимиз ҳаётида, умуман жамиятимизда катта воқеа сифатида баҳоланди. Гарчанд Ўзбекистон Конституциясида эркак ва аёллар тенглиги тегишли моддалар билан мустаҳкамланиб қўйилган бўлса-да, мазкур қонун опа-сингилларимизнинг ўз иқтидорларига бўлган ишончини янада кучайтирди. Ҳақ-ҳуқуқларини чуқурроқ ўрганиш, керак пайтида уларни талаб қилишга интилишларига йўл очди. Миллат учун манфаатли бўлган қонунларнинг амалий самараси тез фурсатларда намоён бўлади. Ўтган йил охирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтган сайловларда аёл номзодлар сони аввалги сайловга нисбатан бир неча баробар ошди. Ошкора, шаффоф, адолатли ўтган бу сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 48 нафар, Сенатга эса 24 нафар опа-сингилларимиз депутат сифатида сайланди. Уларнинг бугун ўз сайловчилари билан учрашиб, уларнинг муаммоларини астойдил ўрганаётганини, жамиятимизда соғлом муҳит яратиш, фуқароларимизни ҳаётдан рози қилиш учун амалий ҳаракатлар бошлаганидан хабардормиз. Аёл бир умр оила ичида яшагани учун одамларнинг қувонч-ташвишлари депутат аёлларимизга ҳаммадан кўра кўпроқ тушунарли эканлигига ишонамиз. Охиригача англанган муаммонинг ечими ҳам осонроқ топилади. Бу жиҳатдан жамиятимиз аёл депутатларимизга суяниб, кўп ютуқларга эришишидан умид қилса бўлади. Бундан беш йил илгари Ўзбекистон парламенти хотин-қиз депутатлар сони бўйича жаҳонда 128-ўринда эди. Ҳозир эса 37-ўринга кўтарилдик. Албатта, бу кўтарилиш фақат рақамларда бўлиб қолмаслигига, умуммиллий юксалишга хизмат қилишига ишонамиз. Чунки Ватанимизнинг юксак унвони – Ўзбекистон Қаҳрамони шарафига лойиқ кўрилган 6 нафар аёлларимиз, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган 300 нафардан зиёд зукко, иқтидорли қизларимизнинг эришаётган муваффақиятлари бизга шундай ишонч бахш этаётгани ҳақиқат. 6 нафар академик аёлларимиз, 514 нафар фан докторлари... Бу залворли рақамлар юртимиз хотин-қизларининг яратувчанлик, кашфиётчилик имкониятларининг кўлами нақадар кенг эканлигини намоён этади. Дейлик, АҚШдаги энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири – Колумбия университетида профессорлик лавозимига қабул қилинган илк ўзбек олимаси Азиза Шоназарова ўрта асрларда Ўрта Осиёда гендерлик тарихи ва аёлларнинг сўфизм тарихида тутган ўрни ҳақида илмий иш қилди.

– Мен ўз илмий хулосаларим орқали ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги аёлларнинг ижтимоий ҳаётда мутлако ўрни бўлмаган, деган нотўғри қарашларни рад этдим, – дейди Азиза.

Устоз Абдулла Қаҳҳор қардошларимиздан бири ҳақида гапириб: "Агар ўз миллатининг тарихига тегишли бўлса, отнинг тақасини ҳам девордаги гиламга осиб асрайди", деган экан. Бизнинг қалбимизда ҳам ана шундай қадр туйғулари тобор улғайиб бораётганидан мамнунмиз. Дарвоқе, қадр туйғуси ҳақида бугунги шодиёна кунларда яна ҳам баландроқ овозда гапирсак арзийди. 2019-йили муҳтарам Президентимизнинг Фармонларига мувофиқ, жойларда соғлом муҳитни барқарорлаштириш, миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбияси борасида ибрат кўрсатган аёлларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш учун "Мўътабар аёл" кўкрак нишони таъсис этилган эди. Яқинда турли жабҳаларда фаолият олиб борган ва олиб бораётган 287 нафар аёлларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Юртимизда иккинчи бор ўтказилаётган бундай тантанада жамиятимизда пешқадам фидойилар сафида келаётган Дилбар Ғуломова, Фарида Абдурахимова, Ойниса Мусурмонова, Тўти Юсупова каби аёллар билан бирга бутун умрини меҳнатга берган аёлларнинг борлиги бизга алоҳида қувонч бағишлайди. Яккасарой тумани ободонлаштириш бошқармаси ходими Муаззамхон Собирова бу мукофотни қабул қилиб олар экан:

– Ҳа, юртимизда кечаётган барча яхши ўзгаришлар, янгиланишлар фуқароларимизнинг қалбларини тарбия қиляпти, инсоний фазилатларини юксалтиряпти, десак ҳақ гапни айтган бўламиз.

"Мўътабар аёл "сифатида эътироф этилган риштонлик тадбиркор Израбо Усмонова йиллар давомида Ҳаж зиёратига бориш учун ният қилиб тўплаган маблағини уй қураётган кам таъминланган оилаларга тарқатиб берибди.

– Аяжон, Сизнинг беғараз ҳимматингиздан 60 та хонадон баҳраманд бўлибди. Демак, Сиз бир эмас, бир неча бор ҳаж савобига эга бўлибсиз...

Бу гап бугун фақат менинг эмас, бу саховатни эшитган ҳар бир инсоннинг кўнглидан ўтаётгани аниқ.

Хушхабарлар байрамларга бошқача руҳ бериши, шубҳасиз. Яқинда мамлакатимизда яна бир вазирлик – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги иш бошлади. Азалдан аҳолининг бошини қовуштириб келган маҳалла янги ижтимоий куч мақомида майдонга чиқди. Баъзи фуқароларимизни боқимандалик кайфиятидан халос қилиш, тадбиркорликка рағбат уйғотиш, оилаларда маънавий-маърифий тарбияни кучайтириш, ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш каби долзарб вазифаларни адо этишда маҳаллалардаги хотин-қизлар тизими ҳам фаол иштирок этади, албатта.

Айни кунларда ҳаётида баҳорли ва баҳорсиз, байрамли ва байрамсиз кунларни кечирган, суврати сокин, аммо қалбида туғёнлар билан яшаган шоира Саидахоним Зуннунованинг шундай мисралари ёдга келади:

**Ишқда вафо керак, ҳаётда мардлик,**
**Шоирга ҳамиша дил керак дардлик,**
**Уни одамларга қанча юқдирса,**
**Уни одамларга қанча уқдирса,**
**Шунча кўпаяди оламда яхши...**

Бизнинг ҳам бугунги байрам баҳона табриклару тилакларни қўшиб, ғуруру ифтихордан куч олиб ёзганларимиздан мурод шу: кимнингдир исмини, кимнингдир ишини айтиб, Сизни ҳам шу яхшилар даврасига чорлаш. Шу даврадар билан ойдин йўлга тушган улуғ карвонимиз сафини янада файзли, собитқадам қилиш... Тирикликнинг кўрки бўлган дарахтлар шохида яшил куртаклар бўртаётган шу қутлуғ дамларда, оппоқ тонгларда қилаётган яхши ниятларимиз ижобатига ишонайлик.

**Мунаввара УСМОНОВА,**
**"Саодат" журнали бош муҳаррири**

*Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ижтимоий ҳаётдаги барча соҳалар қатори тиббиёт ва соғлиқни сақлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Келажакда бажаришимиз зарур бўлган вазифалар биз, соғлиқни сақлаш муассасалари ва тиббиёт масканлари ходимлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.*

# ИЖОДКОРЛАР СОҒЛИҒИГА МАСЪУЛМИЗ

Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислоҳотларимизни ҳам қатъият билан давом эттирамиз" деган сўзлари халқимиз соғлиғини сақлашдек шарафли вазифани зиммасига олган шифокорларга юксак ишонч бағишлаганини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Шифокорлар учун халқимизнинг соғлиғи, соғлом авлодни вояга етказишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Шу боисдан ҳам Президентимизнинг халқимиз, айниқса, аёллар ва болалар соғлиғи ҳақида ғамхўрлик ва алоҳида меҳр билан айтган гаплари бизнинг юрагимизни тўлқинлатиради, ўз касбимизга бўлган масъулиятимизни янада оширади. Хизмат вазифамизга кўра, куннинг ҳар қандай вақтида адиблар соғлиғи учун аскардек доимо сергак ва ҳушёр турамиз. Биз учун кеча, кундуз ёки тонг саҳар деган гап йўқ. Зеро, фидойилик кўрсатиб инсон ҳаётини сақлаб қолишнинг ўзи энг катта мукофотдир.

МУНОСАБАТ

Рақамли иқтисодиётни жорий этиш тиббиёт соҳасига ҳам дахлдор, албатта. Давлатимиз раҳбари бу борада ҳам бажарилиши зарур бўлган долзарб вазифаларни белгилаб бергани соҳамиз равнақини таъминлайди. Жумладан, ихтисослашган марказлар ва уларнинг филиалларида, шунингдек, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида шу йил электрон тиббий карталарни жорий этиш, дори воситалари ҳаракатини назорат қилиш, контрафакт маҳсулотлар айланишига чек қўйиш ва дориларнинг реал нархини онлайн тартибида кузатиб бориш тизимини яратишнинг долзарб вазифалари амалга оширилганда даволаш ва кузатиб боришнинг нақадар осон ва катта самара беришига яқин келажакда гувоҳ бўламиз, деб ишонаман.

Мурожаатномадан келиб чиқадиган вазифаларни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси доирасида ҳам масъулият билан амалга оширамиз. Шоир ва адибларимиз соғ-саломат бўлиб, маънавиятимизни ривожлантирадиган, халқимиз севиб ўқийдиган асарлар битишганида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан қувонамиз.

**Анвар РАЖАБОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси бош шифокори**

ЯНГИЛАНИШЛАР ПАЛЛАСИ

# МЕҲНАТ ҚЎШИҒИ ЯНГРАР

Маҳобатли тоғларинг, шаффоф-зилол булоқларинг, қуш учса қаноти куйгудай жазирама чўл-саҳроларинг;

Реза-реза пешона теру ҳар бармоғидан ҳунар томган заҳматкаш қўллари ила ободончилик, файзу барака яратаётган метин иродали, ёруғ эътиқодли инсонларинг;

Шаҳар-қишлоқларинг, ботину зоҳирдаги қават-қават, тоғ-тоғ бойликларинг – ҳамма-ҳаммаси билан яхлит Момо ер, онажон Ватансан, ҳур Ўзбекистон.

Не бахтки, кун сайин бу неъматларингни янада зиёда қилмак, пуржило ҳусну суврати-нгга, ҳикматбахш сийратингга бетимсол, бетакрор безаклар солмак учун беҳисоб имкониятлар эшиги очилаяпти бугун. Шаҳарларинг-у чекка-чет қишлоқ-овулларинг ҳам эврилишлар оғушига ғарқ бўлиб, малоҳатли чирой очмоқда.

Онажон – Ватан, ҳур Ўзбекистон, кейинги даврда йилларга умидбахш номлар берилиб, Давлат дастурлари қабул қилиниб, беш йилнинг ривожу файзу барокотини режа қилган Ҳаракатлар стратегияси ишга тушиб, уларнинг бераётган неъматлари ҳар қадамда намоён бўлаётир. Шу асно навқирон вилоятимизда ҳам бу файзли эврилишлар изчиллигини ҳар кенту туманда кузатиш мумкин.

Навоий вилояти Қизилтепа тумани мисолида сўз юритадиган бўлсак, бу ҳудуд азал-азалдан пири комил деҳқонлар, тадбиркорлар, ҳунармандлар, ишбилармонлар, миришкорлар юрти. Бироқ бу халқнинг юқоридагидай фазилатларини Истиқлол даври чандон юзага чиқарди. Бундан ўттиз йиллар илгари ушбу ҳудудда бўлиб-кетиб, тақдир тақозоси билан бугун унга кириб келганлар кўзларига ишонмасликлари рост гап. Аслини олганда эса, кейинги 4-5 йил ичида бу юксалиш кескин бурилишлар тарзида намоён бўлмоқда. Қатор-қатор супермаркетлари, тўйхоналари, сервис ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, савдо нуқталари, бутунлай замонавий қиёфа касб этган бозорлари, ишлаб чиқаришнинг минг бир турини ташкил этиб, шунга мувофиқ чет элдан инвестиция олиб кириб, Юртнинг файзу баракасини зиёда этаётган чаққон тадбиркорлари билан эътироф қилишга арзийдиган гўшага айланаяпти.

"Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Обод марказ" дастурлари доирасида бугун ҳар гўша, ҳар қайси ҳудудида жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга ошмоқда. Биргина Кармана тумани мисолида гапирадиган бўлсак, масалан, "Шибзон", "Олчин", "Урганжи" қишлоқларида ибратли ишлар амалга оширилди. 8,3 километрдаги электр тармоғи янгиланди (вилоят миқёсида бу рақам 474 километр), 14,5 километр йўлга асфальт ётқазилди (вилоят миқёсида бу рақам 779 километр), 22 километрга тоза ичимлик суви (вилоят миқёсида бу рақам 267 километр), 7,5 километрга табиий газ уланди. 3та МТМ, 2та мактаб, ҚВП ва МФЙ бинолари капитал таъмирланди. Ҳудудда қурилган ва қурилаётган қатор-қатор савдо расталари, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ҳақида гапирмай кўя қолайлик. Аҳоли қураётган бир-биридан шинам уй-иморатлар тўғрисида ҳам тўхталмайлик, майли.

Не бахтки, айни шу туман марказини "Обод марказ" дастури доирасида ободонлаштириш ишлари ҳам баравж бугун. "Янги Кармана" лойиҳаси бўйича "Алишер Навоий", "Деҳқон", "Мирсаид Баҳром" каби маҳаллаларда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари изчил давом этмоқда. Жараён бутун марказни қамраб олиши кўзда тутилган. Шу асно ҳудудда 8та кўп қаватли турар жой биноси, савдо ва кўнгилочар нуқталар мажмуаси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари бўлган 10 та етти қаватли турар жой биноси, битта меҳмонхона қурилиши амалга оширилиши керак. 2023 йилгача 57 километрли канализация тармоғи қурилиши ҳам режалаштирилган бўлиб, бу ҳам дастур доирасидаги ишлардандир.

Хуллас, бугун бағрингда яшовчи ҳар қайси Ҳазрати Инсоннинг сенга ва вилоятимиздаги ҳар бир гўшага қараганда, тилу дилида шундай жумлалар жаранглаб садо беради:

Онажон-Ватан, ҳур Ўзбекистон, маҳобатли тоғларинг, шаффоф-зилол булоқларинг, қуш учса қаноти куйгудай жазирама чўл-саҳроларинг, ҳамма-ҳаммаси билан барчамизга суюксан! Ҳар гиёҳ-япроғинг, ҳар зарра-тупроғинг ардоғи юрагимизда, руҳимиз-жонимизда яна. Бағрингда отган тонг, ўтган кун бахтнинг ифорини таратур.

Навбаҳор туманида Юртбошимиз Ш. Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида қиймати 5 миллиард сўмлик "Ташаббуслар хиёбони", Навоий шаҳрида 6 миллиард сўмлик "Ёшлар хиёбони", "Маърифат боғи", "Ташаббуслар сайилгоҳи" бунёд бўлдики, вилоятимиз ёшларига чинакамига туҳфа бўлди улар. Вилоят миқёсида тўхталадиган бўлсак, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Обод марказ" дастурлари доирасида эса 25 та қишлоқда 352.2 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари давом этяпти бугун. Унинг бир қирраси сифатида барча ҳудудларда 1032 та, хусусий тадбиркорлар томонидан эса 1123 хонадонли кўпқаватли уй-жойлар қурилаётгани ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир. Навоий ва Зарафшон шаҳарларининг 5 та маҳалласида 45 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Хатирчи туманининг "Тамабаҳрин", "Боғишамол", "Лангар" маҳалла фуқаролар йиғинларида эса йигирмалаб арзон ва бежирим турар жой бинолари, баробарига 50-60 ўринли МТМлар қад ростлаб, мактабу қишлоқ оилавий поликлиникалари гўзал бир тарзда таъмирдан чиқарилди. Ҳудудларимизда амалга оширилаётган бу каби эзгу-хайрли ишларнинг ҳаммасини қаламга оламан, десак, саҳифалар етмаслиги аниқ.

Хуллас, бу ҳаракатларнинг барчаси юртимиз чиройига чирой, аҳолининг файзу барокотига янада зиёда файзу футуҳ қўшяпти. Не тонгки, халқимизга берилган ана шу неъматларнинг, аниқроғи, Бахтнинг кўлами бетимсол бугун. Яъни шоир айтмоқчи:

**Бахтнинг ифоридан уйғонур тонглар,**
**Меҳнат маъракаси қайнар куну тун.**
**Ҳар мард ўғил-қизинг шаҳд-шижоат-ла,**
**Кўтариб бормоқда саодат туғин.**
**Онажоним-Ватан, Сен – номус-орим,**
**Бағрингда улғаюр Инсон, Шараф-шон.**
**Сенинг ишқинг билан нафас олмишдир**
**Буюк келажакка йўл олган Карвон.**

**Салима УМАРОВА**

*Навоий вилояти*

# СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН, МУҚАДДАС, АЁЛ...

Замира РЎЗИЕВА

## Ватан

Ватан десам,
Руҳим баланд бир тоғ бўлди,
Қалдирғочи, қумрилари ўрток бўлди.
Сувин ичсам, асал тоти юқиб дилга,
Ошиқлигим кундан кунга кўпроқ бўлди.

Ватан десам,
Еллар ёйди этакларин,
Хушбўй тўкди бир чайқалиб чечаклари.
Бўйи етган қадди расо тераклари –
Офтобрўя айвонимга пештоқ бўлди.

Ватан десам,
Парчаланди мискин дардлар,
Оғам бўлиб кўкрак керди неча мардлар.
Навоийнинг дафтаридан кўчган байтлар –
Соғинчимни салқинлатган булоқ бўлди.

Ватан десам,
Руҳим баланд бир тоғ бўлди,
Қалдирғочи, қумрилари ўрток бўлди...
Сувин ичсам тиниқлиги юқиб дилга,
Ошиқлигим кун-кун сари кўпроқ бўлди.

## Уйғониш

Латиф туйғуларни қучоқлаб маҳкам,
Боғларни бир маром элитар оҳанг.
Олам тўкис гўё, эмас бири кам,
Ичиккан кунларга тўкилади ранг.

Жонимда кечаги карахтлигим йўқ,
Топгандайман юрар йўлларимни мен.
Бирдан таниб қолдим қушлар билан шўх,
Учиб ўйнаётган юрагимни мен.

Сўз топар ниҳоят қамалган изҳор,
Соғинчнинг тиғи йўқ, тоти бор, асал.
Куртаклар кўзига лаб босган баҳор
Янглиғ лаҳзаларнинг ҳаммаси гўзал.

Зериктирган ғусса, қийнаган ғамлар,
Ёмғирнинг тилида узр сўрайди.
Пойингда жилмайиб Боғи Эрамлар,
Оламни мўъжиза билан ўрайди.

Куннинг кўзгусида кўрдим ўзимни,
Ана уйғонган рух, уйғонган дилим.
Сенга-да илиндим тоза сезимни,
Йўллари адашиб кетган севгилим.

Қалбингни қушларга қўшиб кел сен ҳам,
Исмингни шарҳлаган туғёнга келгин.
Ичиккан кунларга бахш этиб байрам,
Замирасин топган дунёмга келгин.

## Севги

Тўрт фасл тенг тинглар куйласам,
Кўнглимнинг андалиб, саъваси севги.
Ҳаддимни ҳисоблаб туриб ўйласам,
Сабр, саботимнинг ҳаммаси севги.

Тунларим кундуздан, куним тундан қарз
Икки қорачиғим қораси севги.
Беназир дийдорнинг истагидир арз,
Учган баётимнинг ҳаммаси севги.

Меҳроб қаршисида йўқотганим хуш,
Мен ила меҳробнинг ораси севги.
Муножотлар аршга ўрлаган оққуш,
Осмон тўла қушнинг ҳаммаси севги.

Орзуси беҳиштий ифор чаман мен,
Руҳнинг кибр сиғмас қалъаси севги.
Ҳақ сўзга дил берган Замираман мен,
Умрим, ҳаётимнинг ҳаммаси севги.

Бибисора ТУРОПОВА

## Шукрона

Тақдиримиз кулганига шукрона,
Тўрт тараф гул бўлганига шукрона.
Довруғимиз етиб жумла оламга,
Юрт шарафга тўлганига шукрона.

Дастурхонлар тўкинлиги тинчликдан,
Имон, виждон, ёркинлиги тинчликдан.
Ватан! Остонангдан дўстларинг кирсин,
Бағрингда фарзандлар шўх-шодон юрсин.

Кўнгиллар тинч бўлганига шукрона,
Орзулар зич бўлганига шукрона!
Тақдиримиз кулганига шукрона,
Юрт шарафга тўлганига шукрона!..

## Йигит қўшиғи

Боғбон аталдим, сени учратиб,
Беармон аталдим, сени учратиб.
Дунё гўзаллиги ўзингда экан,
Ғазалхон аталдим сени учратиб.

Зарафшон тўлқинин мендан олади,
Шул осмон ёлқинин мендан олади.
Сени кўрганимда дунё жаннатдир,
Бу толе бир умр бирга қолади.

От миниб йўлингни тўсаман, гўзал,
Оламни сен билан кезаман, гўзал.
Самарқанд кўксида унган гуллардан
Ўзингдай гулдаста тузаман, гўзал.

Гулларим хуш ёқса қувонар кўзинг,
Кўнглимни ўстирар бир ширин сўзинг.
Қўлингда бир умр гул кўргим келар,
Рози бўл! Шу гулшан бекаси ўзинг.

Боғбон аталдим, сени учратиб,
Ғазалхон аталдим, сени учратиб...

## Бир дона гул

Дилгинамни пора-пора айлади
бир дона гул,
Сен узиб кетган умидни бойлади
бир дона гул.

Гул билан покиза дилни
овлагандинг сеҳр этиб,
Энди ҳижрону висолдан сўйлади
бир дона гул.

Мен-ку куйганман, нега гул
юзларимдай заъфарон,
Не ажабки, бу саволим туймади
бир дона гул.

Дафтаримда пинҳон эрди сенга
боғлиқ ҳисларим,
Очган эрдим, ранги сўлғин
бўйлади бир дона гул.

Гоҳи-гоҳида ўтарсан ўзга гул
бирла кулиб,
Доди пинҳондир, меҳрга тўймади
бир дона гул.

Соранинг кўнглин паришон
айлади қалбин очиб,
Бунча сирни очмас эрдим,
қўймади бир дона гул...

## Кўнгил

Инсон кўнгли эрур аслида оппоқ,
Унинг гўзал нақши – севмоқ, яратмоқ.

Кўнгил бепоёндир, мезон топилмас,
Агарда кенг бўлса – дунё тор бўлмас.

Инсон забт этмаган чўққи бўлмайди,
Кўкка интилмаса – кўнгил тўлмайди.

Кўнгиллардан чиқса оламга қуёш,
Нури кенг жаҳонга ёяр кенг қулоч.

Гўзаллик бир кўзгу бўлса агарда,
Шул кўзгу бергисиз олтинга, зарга.

Кўзгу синса, ердан териб олинмас,
Одамнинг кўнглини оғритмагин, бас.

Авайланг, азизлар, одамнинг кўнгли –
Ғаройиб мулкдир бу – гулларнинг гули!

Ёруғ олам мангу гулларга тўлар,
Кўнгил кўнгилларга йўл топса агар!

## Оғаларим

Елкангизда давр юки,
Ибратлидир ота-теги,
Ҳар бири – бир уйнинг беги,
Инобатли оғаларим.

Юзларингиз иссиқ бирам,
Таърифлашга етмас баҳом,
Бари жонга азиз акам,
Кенг феълли, мард оғаларим.

Ўзим гулдай нозик жонман,
Сиз борсизки, хотиржамман,
Яхшиликдан илҳом олган,
Қон-қариндош оғаларим.

Эзгуликнинг посбонисиз,
Эл-юртимнинг қўрғонисиз,
Халқимизнинг полвонисиз,
Арслон каби оғаларим!

Сувсиз ерда ойдин кўлсиз,
Манзилларга элтар йўлсиз.
Ҳар бирингиз ботир эрсиз,
Алпомишдай оғаларим.

Гулнора НУРЛЕПЕСОВА

Сизлар борки, тинчдир элим,
Тўлқинланар дарё, кўлим.
Халққа ишонч, ибрат, билим.
Қувват бўлган оғаларим.

Қорақалпоқчадан
Музаффар Аҳмад таржимаси

## Баҳорингман

Борлиқ яшил рангга чулғанган кунда,
Қаршингда оловдай гул, баҳорингман.
Адашсанг йўлларда зимистон тунда,
Қалбинг асир этган тонг, наҳорингман.

Нигоҳим боғланди демагил зинҳор,
Лутф айлаб талпинган беғуборингман,
Муҳаббат азоби этса беқарор,
Мағрурлигим ила халоскорингман.

Нафосат-ла ифор сочса жийдазор,
Орзули аршларда қолган ёрингман.
Суви лим-лим бўлиб оқмоқда анҳор,
Йўл бошида маъюс интизорингман.

## Сабодан изланг

Ким эканим билмоқчимисиз,
Шеъримдаги наводан изланг
Ёки ҳолим сўрмоқчимисиз,
Тонгда эсган сабодан изланг.

Эҳтиромлар айлабсиз бизга,
Тўлиб-тошган сойлардан изланг.

Назокат ОТАҚУЛОВА

Шеърларимни барчаси сизга,
Ёдга солар ойлардан изланг.

Ғуруримни, виждон, оримни
Узоқ-узоқ тоғлардан изланг.
Гул ифори ила боримни
Яшнаб турган боғлардан изланг.

Ой ёғдусин сочганда сим-сим,
Ёниб турган шамлардан изланг.
Баъзан қалбим тўлганда лим-лим,
Кўзлардаги намлардан изланг.

Сийратим-у қалб дуторимни,
Кулиб турган кўзимдан изланг.
Сувратим-у дилда боримни,
Мен сайлаган сўзимдан изланг.

Наргиза АСАДОВА

# БЕГОНА

ХИКОЯ

У кириб келганда нимқоронғи узун йўлак бўйлаб одамлар тизилишган, кимдир ўтирган, кимдир турган, барча кутишга маҳкум этилганга ўхшарди.

– Бу хонага ким охирги экан? – сўради у қалин кўзойнак тақиб олган кишидан.

– Мана бу кишидан кейин кирасиз, – кўзойнакли кишининг ўрнига шартта жавоб берди қўлини белига қўйиб, калта шим кийиб олган аёл.

– Раҳмат, – деди у наридаги бўш ўриндиққа чўккан.

Тавба, дунёда касалликнинг тури кўп экан-да. Битта кўзни даволаш учун ҳайҳотдай бинога юзлаб бемор кун бўйи тизилиб турса-я. Ҳали булар ўзининг соғлигини ўйлаб келганлар. Қариликда, энди тўлин ой бўлармидик ёки ўзига ўхшаб касбим шу оққа кўп тикиламан-да, деб вақт ўтказиб юрадиганлар қанча. Унинг хаёлини бояги аёлнинг овози тарқатиб юборди.

– Қаерга, бобой? Навбатга туринг. Анави қиздан кейинсиз. Лекин-пекини йўқ!

– Лекин, мен шу ерда даволаняпман, дўхтир шу соатда ёнимга тушинг деган эди, – деди қария зорланиб.

– Шу ерда ётсангиз, ана врачни палатангизга чақиринг, аммо ҳозир мендан олдин пашшаям учиб киролмайди бу ерга, – деди аёл шанғиллаб.

Унинг муомаласидан кўпчилик оғринди. Шунда бирдан эшик очилиб, ичкаридан оқ халатли ўрта ёшлардаги шифокор чиқди-да, кетарини ҳам, кутарини ҳам билмай, хижолатда қолган қарияга қараб ичкарига имлади. Эшикка тисарилган аёлга бир қадар сокин, бироқ жиддий боқдики, у гапираман деб оғиз жуфтлаганча туриб қолди. Эшик ёпилгач, аёл яна вайсай кетди.

Ниҳоят, унинг ҳам навбати келди. Мени унча текширмасалар керак, деган ўйда ичкарига қадам босаркан, ҳамширанинг эринмай қоғоз тўлдиришини кўриб, бетоқат соатига қаради. Боя қарияни олиб кириб кетган йигит эса қўлидаги ручкасини столга тақиллатганча, деразадан кўчага боқиб жим турарди.

– Бўлди ўтиринг, – деди ҳамшира унинг уст-бошига бошдан-оёқ разм соларкан.

– Бу ергамас, докторнинг ёнига, тахтачани олиб бир кўзингизни бекитинг, – деди у шуни ҳам билмайсизми, дегандек ўсмоқчилаб.

Шундай қилиб, у деворда мосламага битилган ҳарфларни овоз чиқариб ўқий бошлади. Шифокор эса уни кузатиб тураркан:

– Китобни тартиб билан, жойида ўқиш керак-да, яхши қиз, – деди сумкадан ярми кўриниб турган китобга ишора қилиб. «Боя йўлакда кутиб ўтирганимда сезибди-да», ўйлади у сумкасини ортига аста яшираркан.

Ҳамшира кўзига дори томизгандан кейин бир оз вақт ўтиб, шифокор унинг қаршисига ўтирди ва бир муддат тикилиб қолди. Очиғи, у илгари шифокорлар ҳузурида бўлган, лекин бу қадар яқин, яна кўзига тик қараб сўзлашмаган, бунга одатланмаган эди. Шу боис ўнғайсиз ҳолга тушди.

– Бир оз хиралашдими, энди-чи? – сўради доктор вазминлик билан ундан кўзини узмай.

– Менга қаранг, кўзингизнинг доридан кейинги ҳолатини кўришим керак ёки ачишяптими, – деди аста уни ўзига ўнгламоқчи бўлиб.

– Кўзимга қаранг, қарасангиз-чи! – деди шифокор йигит бир оз асабийлашиб.

Бўлмади, энди ўтиролмайди. У шартта ўрнидан турди-ю, хонадан чиқди-кетди. Ортидан пешонасига ойнак таққан докторнинг:

– Нима бўлди? – дегани-ю, ҳамширанинг:

– Ҳм, уялдилар, шекилли, – деган киноясн эшитилди.

У узун йўлак бўйлаб шошиб бораркан, атрофдагиларнинг оласарак нигоҳларини ҳам, ўзининг бўғриқиб бораётганини ҳам сезмасди.

Пастга тушиб, зина тутқичига суяниб, бўйнидаги рўмолини сал бўшатди. Шунда мезоннинг илиқ, ёқимли нафаси юзига урилди ва бир дам дарахтларнинг кузги куйига «ўйнаётган» япроқларига қараб қолди.

– Гулҳаё, тузукмисан, нимага қизариб кетдинг, доктор нима деди?

Гулҳаё хаёлини йиғиштириб, қаршисидаги инсоннинг саволига нима деярини билмай, туриб қолди. Сўнг, жилмайди ва унинг ҳаворанг бўйинбоғини тўғирлаш асносида қадрдонининг кўзларига бир зум тикилиб қолди. Бу нигоҳлар унга жуда яқин, туйғулари таниш ва ёқимли эди. Кейин:

– Ҳаммаси жойида, кетдикми? – деди турмуш ўртоғининг қўлидан тутаркан.

Машина эшигини ёпаркан, Гулҳаё кимдир боқиб тургандек илкис юқорига қаради. Чиндан ҳам, тепада бояги шифокор уни ҳалиям бир оз ҳайрат ва кулги инган нигоҳи-ла кузатиб турар, энди тўқнашган бу кўзлар ўртасида дераза, қолаверса, олис масофа бор эди...

*Йигирманчи аср қорақалпоқ адабиётига ўзига хос овоз билан кириб келган истеъдодли шоиралардан бири Ширин Холмуродова эди, десак янглишмаймиз. Ширин Ўтеш қизи 1949 йили Тошкент шаҳрида, асли чимбойлик бўлган давлат хизматчиси, зиёли инсон Ўтеш Холмурод ўғли оиласида дунёга келади ва шу хонадонда адабиётга ҳавас қўйиб улгаяди. У болалигиданоқ ўзгача хулқ-атвори билан ота-онаси, атрофдагиларнинг диққат-эътиборида бўлиб, чақмоқдек ўткир ва фикрчан гаплари билан кўпчиликни ҳайрон қолдирган экан.*

# ЮРТ ҚАДРИНИ УЛУҒЛАБ

Шоиранинг дастлабки шеърий тўплами Нукус давлат педагогика институтининг тарих-филология факультети 1-босқичида таҳсил олаётган пайтида чоп этилган ва шу даврдаги эсда қоларли воқеа бўлган. "Ўн саккиз баҳор" («Он сегиз бәҳәр») деб номланган бу тўплам ҳозирга қадар қорақалпоқ шериятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб турибди.

**Яшил гилам каби атир майса яралган,**
**Айланайин шу бағри кенг даламдан –**

сатрлари билан бошланадиган «Далаларингдан» номли шеърида шоира:

**Кўкда булут кўринса, шодланиб чўпон,**
**Яйлов оралайди эрталаб тонгдан,**
**Чўпонни куттириб тинчини олган,**
**Қизилқумга ёғган ёмғирларингдан –**

дея баҳор ва ёз фаслида кенг яйловларда умри ўтадиган чорвадорларнинг ёмғирдан шодланишларини кўз олдимизда гавдалантиради.

Шоира «ёмғирларингдан», «довулларингдан», «овулларингдан» каби жонли қофиялар билан она табиатга, жонажон овулига меҳрини қалб туйғуларини намоён этади. Ушбу сатрлар шоиранинг ёшлик йилларидаги унутилмас онларини ҳам эслатиб туради.

**Чўпон меҳнатига ташаккур айтиб,**
**Тахтакўпир бетдан орқага қайтиб,**
**Чимбойга етганда шодлигим ортиб,**
**Қалбимни ўстирган овулларингдан.**

Ватан қадрини улуғлаб яшаган қалам соҳиби ўзининг «Она юртим» шеърида туғилган ерига шундай таъриф беради:

**Бу оламда ёлғиз қолдирган онам,**
**Туғишган ҳам менга насиб этмаган,**
**Сен – отам, сен – онам, оғамсан юртим,**
**Сен менинг инимсан, синглимсан – Ватан!**

«Она макон» шеърида эса туғилган заминдан йироқда юрганида соғинч ҳиссини шундай самимий ифодалайди:

**Ўйласам, кўз олдимда бўларсан пайдо,**
**Дунё гўзаллиги сен турган жойда,**
**Булбулларга сирдош бўлиб улғайдим,**
**Сенсиз менга ёшлик даврони қайда?**

Шу тарифа шоира инсонга бир марта бериладиган ёшлик фаслининг файзу фазилатини Ватан тупроғидан излайди, унинг мукаддаслигини уқтиради.

Шоира ўзини ўйлантираётган муаммоларни нафақат шеърларида, балки қалбларни тўлқинлантирадиган публицистик мақолаларида ҳам баён этган. У Орол денгизи қуришни бошлаган йиллари «Саодат» журналида чоп этилган бир мақоласида шундай ёзади:

«Болам, бизнинг ота-боболаримиз макон тутган бу ўлка сенинг, бизнинг еримиз – она Ватанимиз... Мана бу улкан уммон – бизнинг денгизимиз. Ота-боболаримиз шу денгиздан балиқ овлаб, қамиш тўқиб кун кечирган», – деган эдим бир пайтлари. Энди ўйлайман: болаларимиз ўз фарзандларига нима дер экан... «Бизнинг оталаримиз ва боболаримиздан қолган денгизимизни кимларнингдир меҳрсизлиги, шуҳратпарастлиги қуритди, аттанг...» дерми экан», – дея оғриқли саволни ўртага ташлайди. Мақола чиққан вақтда кўпчилик муаллифни чин кўнгилдан қўллаб-қувватлади, унинг чақириқларига жўровоз бўлди.

Умуман, шоиранинг ҳар бир сатрида инсон қалбининг нозик ҳиссиётлари мавжланиб туради. Буни Ш.Холмуродованинг асарлари билан танишган сари янада чуқурроқ тушуна бошлаймиз. Шоиранинг дастлабки шеърларига, ҳали уларнинг сиёҳи қуримасданоқ, атоқли бастакорлар Абдурайим Султонов, Худойберген Турдиқулов томонидан куйлар басталанган, ўша давр саҳна юлдузлари Тамара Дошумова, Сулухан Мамбетова, Ида Рафиқова каби хушовоз хонандалар томонидан қойилмақом қилиб ижро этилган. Бу асарлар ҳозирги вақтга қадар қорақалпоқ радиосининг олтин хазинасида сақланиб келмоқда. Шоира шеърлари ўзбек, озарбайжон, доғистон, қирғиз, қозоқ ҳамда Болтиқ бўйи халқлари тилларига таржима қилинган.

Ширин Холмуродова моҳир таржимон сифатида дунё адабиётининг атоқли вакиллари Робиндранат Тагор, Файз Аҳмад Файз, Сергей Есенин, ўзбек шоир ва ёзувчиларидан Ҳамид Олимжон, Зулфия, Абдулла Орипов, Саида Зуннунова, Ўткир Ҳошимов, Нурали Қобул асарларини қорақалпоқ тилига муваффақиятли ўгирган.

**Сейдин АМИРЛАН,**
**Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси**

# БИР ҲИКОЯ ТАҲЛИЛИ

*Насрий ва драматик асарлари билан элга танилган адиб Қўчқор Норқобилнинг ҳозирги адабий жараёнда ўз ўрни бор. Ёзувчи асарларининг асосий мотиви, албатта, афғон уруши хотиралари билан боғланади. Муаллиф яратган қаҳрамонлар бугунги тинч замонда яшаётган бўлсалар-да, уларнинг ўтмиши ва хотиралари уруш воқеалари билан боғлиқ. Мана шу асосий лейтмотив унинг умумий муштарак мавзусини белгилайди. Чунки, биламизки, ёзувчининг ўзи ҳам уруш иштирокчиси бўлган. Айни шу кечмишлари — уруш даҳшатлари ёзувчи асарларига стимул беради.*

Биз шу ўринда ёзувчининг "Бу ерларда шу ўринда ҳаёт бошқача" ҳикоясини таҳлилга тортмоқчимиз. Ҳикоя ҳажман катта эмас, аммо унда ўқувчини ўзига тортадиган, ўйлатадиган муҳим нимадир бор. Ҳикояда иккита муҳим бадиий хусусият кўзга ташланади: биринчиси, асар қаҳрамонлари Гулдирак момо ва чол характерида Сурхон миллий колорити яхши очиб берилгани; иккинчиси, ёзувчи глобаллашув даврининг маънавий-ахлоқий муаммоси — меҳрсизлик, ота-она ва фарзанд ўртасидаги меҳр-окибатнинг дарз кетганини бадиий маҳорат билан кўрсатган. Ҳикоя бош қаҳрамони Гулдирак момо образи бугунги глобаллашув, виртуал олам авлодларига зид тарзда тасвирланган. Момо асли сурхондарёлик машҳур бахшининг қизи. Муаллифнинг айнан бахшининг қизини бош қаҳрамон сифатида тасвирлашида ҳам бадиий маъно бор. Зеро, Гулдирак момо характерида ўзбек халқига хос бағрикенглик, сўзамоллик, миллий урф-одатлар ва қадриятларни эъзозлайдиган чин маънодаги ўзбек онахонининг образи умумлаштирилган.

Ҳикоянинг экспозиция қисмидаёқ Гулдирак момонинг қишлоқда тутган мавқеига ва унинг инсоний характерига муаллиф баёни орқали таъриф берилади: "Кампирнинг игнасидан ип ўтмаганига анча бўлди. Кўз қурғур хиралашган. Ёш ҳам саксонга сабоқ бериб турибди. Лекин ўзи анча тетик. Овозини айтмайсиз, гулдирайди — гапни замбаракнинг ўқига боғлаб отади, тушган жойини ўпириб кетади. Қишлоқда катта-кичик уни Гулдурак момо дейди. Ўзиям ўрганиб кетган..."

Ҳикояда Гулдирак момо ва унинг чоли қайсидир маънода миллий анъанавий оилавий муносабатлар учун ҳам идеал образлар сифатида яратилган, дейиш мумкин. Зотан, Гулдирак момо гапга чечан, товуши ҳам йўғон, гапини бировга бериб қўядиган кампир эмас. Эллик йилдан бери чолини, оиласини, қишлоқнинг тўй-маъракасини бошқаради. У бахшининг қизи эканлигига, асосан, чолнинг ички монологларида бадиий ишоралар қилинади. Масалан: "Уккағар бахшининг қизи-ей... Ажинаси отланиб қолса, дунёни чирпирак қилади-я. Гулдирамай ўлгурнинг гаплари чин, ўзимам бола-чақамга ҳам ёпишавермайман. Шундайчакин бўлсам нима қилай? Уккағарнинг қизи сизни элга қўшаман деб бўларича бўлдим, кесакдан ўт чиқди, тошга тил битди, сиз эса диму дирс бўлиб ўтдингиз, сиз билан ўтган эссиз умрим-а, сизга одам иси ёқмайди, деб ёзғираверади. Бу гапларим чин. Лекин одам иси ёқмаган билан сенинг исинг ёқади, Тошбуви".

Чол-кампирнинг катта ўғли шаҳарда яшайди. У беш йилдан бери ота-онасидан, қариндош-уруғларидан хабар олмайди. Фақат ҳол-аҳвол телефон орқали сўралади. Гулдирак момо чолини олдига солиб, шаҳри азимга йўл олади. Ўғлидан, неваралардан хабар олишни истайди. Чол-кампирнинг тушига ҳам кириб-чиқмаган ҳолатлар, кайфиятлар катта ўғилнинг ҳовлисида юз беради. Айнан мана шу нуқтадан ёзувчи глобаллашув даврида тобора камёб бўлиб бораётган инсоний меҳр-оқибат масаласига китобхон эътиборини тортади.

Чол-кампирни "...кўз қовоғи шишинқираб, оқ оралаган сочи тўзғин. Майкачан, тиззаиштон кийиб олган ўғли Турдиқул" кутиб олади. Энди келин чиқади, у ҳам Турдиқул қиёфасида: "Иморатнинг ойна эшиги очилиб келин чиқди. Садағанг кетай, буям шу аҳволда – тиззаиштонда. Майкаси ҳар ҳолда эриникидан бир нави". Умуман, бу манзаралар чол-кампирнинг кўзини ер чизишга мажбур қилади. Энг қизиғи, отани ўғлининг қўй-кўзи боқиш ўрнига эшакдек ит боқаётгани ҳайратга солади. Ит билан боғлиқ вазият ҳикояда яхши бадиий тадриж этилган. Итга алоҳида итбоқар, итбоқарнинг меҳмонлар кетгач, ичиб, кайфи ошиб, шишани қўлтиқлаб ухлаб қолиши, итнинг таҳорат олиш учун ҳаммом сари илдамлаган чолнинг орқасидан гувиллаб учиб келишию, Гулдирак момонинг гўё сеҳргардек, "тўхта!" деб гулдираган товуш билан итга ўз таъсирини ўтказиб, чолини омон сақлаб қолиши саҳнаси билан ҳикоя якунланади. "Бўздевор ортида ўғли, келини ва машҳур актёр ва унинг рафиқаси эрталабгача кулишиб, қийқиришиб, базму жамшид қилишади". Кампир чолига: "Бу ерларда ҳаёт бошқача экан, боваси" деса, "Бошқача. Ҳамма нарса бошқа ", деб жавоб беради чол.

Бизнингча, Гулдирак момо ва Чол образларига хос миллий фазилат-сифатлар ҳикоя залворини оширган. Ёзувчи бу характерларни тасвирлашда икки жиҳатни эътиборда тутган. Яъни улар ўзларида: биринчидан, алоҳида шахса хос индивидуал фазилатларни, иккинчидан, муайян даврда яшаган, шу муҳитда ўз эътиқод-маслаги шаклланган миллат вакилларининг энг муҳим ва умумий хусусиятларини мужассамлаштирган. Бинобарин, характерлар моҳиятида объектив ва субъектив ибтидо ўзаро бирлашади ва шу тарика жонли инсон ҳаёти ижтимоий-психологик жиҳатдан ишончли далилланади, бадиий реаллашади. Айни пайтда, ёзувчининг кўнгил оламидан ўтказилиб, ғоявий-хиссий баҳосини ҳам олади.

Хулоса қилиб айтганда, Қўчқор Норқобилнинг "Бу ерларда ҳаёт бошқача" ҳикоясида икки образ тимсолида миллий характер ёркин тасвирланган. Қолаверса, бу икки образ тасвири орқали, хусусан, Гулдирак момо образи воситасида ёзувчи глобаллашув давридаги энг катта муаммо — меҳрсизлик, оқибатсизликка жавобан инсонийлик, меҳр-шафқат туйғуларини кўпроқ ва кенгроқ ёйиш масаласига жиддий урғу беради.

**Барчин ШУКУРОВА,**
**ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти**

# ЮРАККА КЎЧГАН ШЕЪРЛАР

Бугуннинг шоири нималарни ёзмоқда? Унинг қаламидан тўкилган "оҳ"лар ичида нелар яширин? У куйлаётган дардлар янгими?... Бугуннинг шеърини ўқиб туриб, шу ўйлар кечади кўнгилдан. Жавоб топилади: дард ўша-ўша, аммо талқинлар ўзга. Ҳамон ўша машҳур "Найнома"даги най каби ўз маншаасига интилиш, илдизни излаш, унга талпиниш бор бу шеърларда ҳам. Кимдир буни англаб, кимдир эса таваккал қилиб тушгандек бу йўлга. Албатта, бу маншаага борадиган йўлни бугун ҳам ҳар доимгидек ҳамма бир хил идрок этолмайди, уни ҳар ким ўзи – ёлғиз излашга маҳкум. Бу изланишлар асосида биров самовий кенгликлардан заминга назар ташласа, бошқаси ёнидаги инсонни, ҳаётни ўзи учун кўзгу деб билади.

Инсонга ўз-ўзини ифодалашдек юксак эҳтиёжи учун шеър деган мўъжизанинг берилганлиги, аслида, катта неъмат. Шу маънода ўтган йили чоп этилган газета-журналлардан айримларини вараклаб, уларда чоп этилган шеърлар орасидан кўнгилнинг тубига етадиган, дардини ўзгалар дардига айлантиролган шеърларни топиб ўқиш қувонарли. Айниқса, шоир опа-сингилларимиз шеърларини ўқиб, кўҳна дардларнинг янги-янги талқинларидан масрур бўламиз. Ойдин Ҳожиева, Қутлибека Раҳимбоева, Фароғат Камол, Ойгул Суюндиқова... Бу номларни яна давом эттириш мумкин.

Замирига ўзини излаш, ҳақни, ҳақиқатни танишга интилиш, дунёнинг, тирикликнинг моҳиятини англашга уриниш ва муҳаббат сингдирилган шеърларда гоҳ истеъдоднинг алангасини, гоҳ унинг учқунини кўрасан, баъзан сўзамоллик билан дардларини сочишга уринилганига ҳам гувоҳ бўласан. Кимнингдир шеърларини ўқиб, унинг ўрганишга лойиқлигини ҳис қиласан, яна кимгадир ниманидир ўргатгинг келади. Лекин шу нарса аёнки, уларнинг барида шеър деб аталган улкан ва сирли маъвога талпиниш бор...

Кўп йиллардан буён шеърларини севиб ўқиганимиз таниқли шоира Қутлибека Раҳимбоеванинг ушбу мисралари кўнгилга назар ташлашга ундайди, шоиранинг ўзига бераётган саволларини аста ўзингга бера бошлайсан. Мана шу жиҳат шеърнинг ютуғи бўлса керак.

**Менми шу,**
**Чақмоқ фаслида ҳам**
**чақмаган чақмоқ,**
**Булут қамалидан чиқмаган ёмғир,**
**Йўлларга тирмаша**
**олмаган сўқмоқ?...**

**Менми шу,**
**Демасдим (титроқ танимда)**
**Халқим деб яшаган**
**Чўлпон умрининг**
**Бир ботир қунини яшаганимда.**

Қутлибека Раҳимбоеванинг шеърга садоқати, уни ўзидан-да баланд қўйишини ҳар сафар шеърларини ўқиганда ҳис қиламиз. Шоиранинг ўз-ўзини мудом тафтиш қилиши, ўзидан қониқмаслик, ўз дардларини умуминсоний дардлар билан уйғунлаштириб ифодалай олиши шеърларини юксалтиради. Бундай шеърни таҳлил қилиш эмас, шоир каби яшаб ўтиш муҳимроқ, деб ўйлайсан шунда.

Кўплаб мухлисларига эга шоира Ҳалима Аҳмедованинг шеърларидаги туғён гоҳ жўшиб, гоҳида сокинлашиб юрагингга кўчади. Соҳир оҳанглар ичида узоқ қолиб кетасан. Баъзан бу шеърларда мажзуб ҳолатини ҳам илғаб қоласан. Айни пайтда унинг ўз шеърларида айтилаётган фикр-қарашларига собитлиги, фақат унинг ўзига хос ташбеҳу тимсоллари, ифода йўсини эътиборни тортади:

**...Ямадим**
**Кунларни кунларга улаб,**
**Шу ямоқ умр ҳам, умрми, айтгин?!**
**Кечалардан ўтдим**
**барглай шивирлаб...**
**Кун қаърига чўкдим**
**тошдай бетаскин.**
**Энди йўқман, дедим,**
**Бор эдим, аммо,**
**Чунки ҳижрон менсиз**
**яшарди қандай?..**

Ўтган йилги шериятимизни истеъдодли шоира Зебо Мирзо шеърларисиз тасаввур этиш қийин. Шоиранинг шеърларидаги мунг, ҳасрат, ёнишу ўртанишларнинг бир ёруғ кўнгилдан чиқаётганлиги рост:

**Тўкилиб қарайсан...**
**Нигоҳингда мунг,**
**Юрагимга ботиб бормоқда ҳайҳот.**
**Севгим,**
**Кўзингдаги шафқат не учун?**
**Бахтсиз бир аёлга**
**Ўхшайман нахот?**
**Менга бундай боқма,**
**Менга қулиб боқ,**
**Руҳимга тўкмагил надомат ва ғам...**
**Ахир, менда не айб,**
**Менда не гуноҳ,**
**Бир ёруғ Кўнгилдан**
**яралган бўлсам...**

Зебо Мирзонинг шеърларидаги гўзал соғинч ҳамиша бетакрор.

"Ҳудудсиз дунёга сиғмаган кезлар"и битилгандек тасаввур уйғотадиган Зебо Раҳимованинг шеърларида эса ишқ тўғридан-тўғри юксак маъволарга олиб чиқиб васф этилади. Шоиранинг ўзи шеърларида айттани каби бу шеърларни ўқиш жараёнида юрақдаги занглар ювилиб боради:

**... Мовий ҳаволарда сенинг нафасинг,**
**Уйғонар тафтингда тириклик ранги,**
**борим ҳам, йўғим ҳам сенсан ҳаммаси,**
**Борлигинг, бирлигинг абадий янги.**

Зулфия Мўминованинг халқона оҳангда битилган шеърида эса кўнгилдаги изтироб замонга, унинг одамлари ташвишларига уйғунлашиб кетган:

**Онам ойнинг қизи ойшаҳар эди,**
**Отам тоғлар ўғли тошчайнар эди.**
**Онам оҳуларнинг кўзидан ўпиб,**
**Отам айиқ билан тош ўйнар эди –**

деб бошланадиган шеър шериятимизда бу оҳангнинг бардавомлигини намойиш қилиб турибди.

Нодира Афоқованинг шеърлари ҳам ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди. Шеърларидаги бир қарашда жуда баланд кўринган ташбеҳларнинг ҳавойи эмаслиги унинг энг муҳим ютуқларидан. Тарихий, афсонавий, ҳаётий тимсоллар бу шеърларга муайян бадиий мантиқ билан кириб келади:

**Айрилиқ ўлимдай келди бемаҳал.**
**Ой қуйди, тутилди.**
**Барглар оғир, ҳўл.**
**Бу кеча тун бунча чуқур, мукаммал.**
**Йиғиб олингандай қават-қават кўк.**

Руҳиятда кечаётган талотумлар – ёниш ва ўртанишларни манзаралар тасвири билан уйғунлаштириш, фалсафий мушоҳадалар орқали умумлаштириш устувор бу шоира шеърларида.

Бугунги кунда катта ўзанга тушиб олган хотин-қизларимиз у шериятининг забардаст давомчилари бор, албатта. Яхши шеърлари, китоблари билан аллақачон мухлислар эътиборини қозонган Гулноз Мўминова, Ойдиннисо, Фароғат Худойқулова каби шоиралар ўз йўлини топган, улар тинимсиз изланишда. Ўсиб келаётган янги авлод – ёш ижодкор қизларимиз учун эса адабиёт майдони синов майдонига айланган. Юзга яқин ёш шеърнавис қизларимизнинг дилтортар шеърлари билан бирга баъзан эксперимент тарақасида битганлари ҳам кўпчиликнинг эътиборига ҳавола қилинмоқда. Улар орасидан кимлардир шу майдонда шоир бўлиб тобланади, албатта.

**Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА,**
**филология фанлари номзоди**

## СЎЗЛАР БИЛАН СЎЗЛАШУВ

### АЙҒОҚЧИ АЙТҒУВЧИМИ?

Тилимизда жосусни айғоқчи деймиз. "Жосус" арабча сўз, "айғоқчи" туркий. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да "айғоқчи" сўзи "фош қилувчи, ахборот" маъносини билдирган "айғақ" отидан, унга "-чи" қўшимчаси қўшилган, деб изоҳланган. "Туркий тиллар этимологик луғати"да "айғоқчи" сўзининг ўзаги "ай" феъли бўлиб, "гапир" маъносини англатади. Тилимиз тарихида "айтди" сўзи "айди" шаклида қўлланган даврлар бўлган. Шундан келиб чиқиб, "айтгувчи"нинг "айғувчи" шакли ҳам бўлган дейиш мумкин. Алишер Навоий "айғоғ" сўзини "айғоқ, сир бой бериш" маъносида ишлатган. "Нодонга сўз демак айғоғдур ва кўп демаги йўртоғдур" ("Маҳбуб ул-қулуб"дан).

Хуллас, айғоқчи ва жосуснинг маъноси бир хил. Лекин қадимги битиктошларда яна бир сўзга дуч келдим. Бу сўз "айғучи" деган сўз. "Айғучи" шаклан "айғоқчи"га якин. Бироқ айғучи сўзи битиктошлардаги ёзувларга кўра, маслаҳатчи, ҳоқон маслаҳатчиси деган маънони билдиради. Тўнюқуқ битиктошида "айғучиси билга эрмиш", яъни "маслаҳатчиси донишманд эмиш" деган гап бор. Кўриниб турибдики, "айғучи" сўзининг ҳам ўзаги гапир маъносидаги "ай" сўзидир. Мантиқан ўйлаб қарасак, айғоқчи гап етказади, айғучи гапини айтади, иккисида ҳам маслаҳат бериш маъноси бор. "Айғоқчи" билан "айғучи" сўзларининг шаклан ва мазмунан бунчалар якинлиги мени шундай тусмоллашга ундади.

Тилимизда "Оғиз – айғоқ, тил – тайғоқ", "Айғоқчидай искаланиб юради" каби мақол ва иборалар бор.

### АЙОЗ

Айоз (аёз) сўзи кеч куз ва қишдаги қора совуқни билдиради. Қора совук дегани нима? Қора совуқ қорсиз, ёмғирсиз, булутсиз совук дегани. Мен Маҳмуд Қошғарийда "ajac" деган сўзга дуч келдим. Айас (ajac) – тоза, тиниқ маъносини англатади ва "ajac кӧк" ибораси булутсиз, тиниқ осмон мазмунида келади. Менимча, "ajac" сўзи ҳозирги қаттиқ совуқ маъносидаги "аёз"нинг ўзи бўлиши керак. Тилимизда "аёз қисди" деган ибора бор. Аёз қачон қисади? Одатда, қиш кечалари ёғингарчиликсиз ва булутсиз бўлса, аёз қисади. Бундай пайтда осмон тоза ва тиниқ бўлади. Баъзан аёз қисганда юлдузларни кузатсангиз улар бошқа пайтлардагидан кўра равшанроқ порлаб кўринади. Аёзнинг қора совуғидан сўнг осмонга булут чиқса, кор ёғса, ҳаво илиқлашади. Булут ва ёғингарчилик ҳавони юмшатади. Демак, айоз сўзининг туб маъноси тоза, тиниқ мазмунида бўлиши мумкин. "Туркий тиллар этимологик луғати"да ҳам "аёз" сўзининг очиқ ҳаво, тиниқ осмон, ярқираш, нур, юлдуз маъноларини англатиши ҳақида айтилган. Бу луғатга кўра, "аёз" сўзининг ўзаги "ай" бўлиб, у ёруғ, порлоқ маъноларини англатган.

Маҳмуд Қошғарийдаги "ajac кӧк" – "тиниқ осмон" бирикмаси менда яна бир мулоҳазани пайдо қилди. Рус тилида очиқ ҳаво "ясная погода" дейилади. Бу бирикмадаги "ясная" сўзи гўё "аясная"га жуда яқиндай. Рус этимологи А.В. Семёнов изоҳига кўра, "ясная" сўзи рус тилида XI асрдан фаолият бошлаган. Бу сўз умумславян сўзи бўлиб, унинг ўзаги "ja"(йа) асли ҳинд-европача "aj" ("ай")дан келиб чиққан. Қизиғи шундаки, бу сўз ҳам ёруғ, порлоқ маъноларини англатади.

**Эшқобил ШУКУР**

# МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ҚИССАСИ

*Ўзбек Миллий академик драма театрида яна бир тарихий асар тайёрланиб, мухлислар эътиборига ҳавола этилди. Ушбу спектакль буюк ва жасур ватандошимиз Жалолиддин Мангуберди ҳақида.*

Сўнгги ануштегиний хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди давлатчилигимиз тарихида ниҳоятда катта ўрин тутувчи шахс. Атиги ўттиз уч йил умр кўриб, шунинг ўн бир йилини Ватан озодлиги учун кураш йўлига сарфлаган ҳукмдор Жалолиддин ибн Аловуддин Муҳаммаднинг фаолияти мўғуллар босқини оқибатида Хоразм диёри таназзулга учрай бошлаган даврга тўғри келган.

Асарни саҳнага олиб чиққан ёш истеъдодли режиссёр Асқар Холмўминов ушбу спектакль устида ишлаш жараёни ҳақида шундай дейди: "Назар Эшонкулнинг асарини саҳналаштиришга киришар эканман, аввало, Жалолиддин Мангубердининг шахсияти, унинг ҳаёт йўли, XIII асрдаги тарихий жараёнларда тутган ўрнини атрофлича ўргандим. Жалолиддин Мангубердининг шахсий котиби, тарихчи Насафийнинг асарларидан, қолаверса, бошқа тарихий манбалардан фойдаланиб, инсценировка қилишга бел боғладим. Назар Эшонкулнинг киносценарийси билан танишгач ёзувчига уни пьесага айлантиришни таклиф қилдим. Шу тариқа саҳна асарига замин ҳозирланди. Киносценарийнинг тили содда ва жозибадорлиги эътиборимни тортди. Спектакль устида муаллиф билан ҳамжиҳатликда иш олиб борганимиз учун ҳам томоша бир бутун ҳолатга келди".

Спектакль қизиқарли бошланади. Асосий воқеалар бошлангунга қадар сарой мулозимлари ва канизларнинг саҳнада безовталаниб ҳаракатланишлари томошабиннинг диққатини ўзига каратиб, фикрини жамлашга ва қандай ҳодиса персонажларни тинимсиз ҳаракатланишга ундаётганини билишга қизиқиши кучайишига сабаб бўлади. Бу безовталикнинг сабаби – бўлажак ҳукмдор Султон Жалолиддиннинг дунёга келиши билан боғлиқ бўлиб, воқеалар тез суръатда ривожлана бошлайди.

Спектаклда Жалолиддиннинг Ватан озодлиги учун кураши асосий мавзу қилиб олинган. Асар фақат бир мавзу йўналишида саҳналаштирилгани танқидга учраган бўлса-да, аслида режиссёрнинг асосий мақсади Жалолиддиннинг адолатли ҳукмдор ва моҳир саркарда сифатидаги фазилатларини кенг кўламда ёритишдан иборат бўлган. Она ва ёрга муҳаббат мавзуси четлаб ўтилган. Жалолиддин ҳақида яратилган асарларнинг деярли барчасида ушбу мавзуга кенг ўрин берилгани учун ҳам анъанавийликдан чекинилган.

Муҳими, деярли барча актёрлар ролларини ўз қаҳрамонларининг характери ва мақсадини аниқ билган ҳолда ижро этганлар. Ҳар бир персонажга алоҳида вазифа юклатилгани актёрларнинг рол устида жиддий ишлашларини тақозо қилган. Спектаклда, Насафий таърифлаганидек, жиддий, адолатсизликни ёмон кўрадиган, кек сақламайдиган, ниҳоятда иродали, ўта қатъиятли, фавқулодда мард ва ботир Султон Жалолиддин (актёр Лазиз Орзиев) образи гавдаланган.

Чингизхон образини гавдалантиришда унга тарихий шахс сифатида ёндашилган. Саҳнадаги Чингизхон (актёр Аваз Қодиров) хотирамизда муҳрланиб колган шафқатсиз, қонхўр, қўпол ва ўта тўпори босқинчи эмас, балки ўз даврининг илғор ҳукмдори ва саркардаси сифатида гавдаланади. Томошабин Чингизхоннинг энг яқин саркардасини йўқотганида неккан изтиробидан ички дунёси ва фақат ўзига хос бўлган кечинмаларини кўради. Ушбу кўринишда Чингизхон инсон сифатида гавдаланади. Бу ўринда режиссёр актёрга тўғри йўналиш бергани яққол кўзга ташланди. Чингизхоннинг атрофидаги барча мулозиму навкарларидан ажралиб туриши унинг мағрур ҳолда, қаддини тик тутиши билан ифодаланган.

Хоразмшоҳлар салтанати ҳалокатга юз тутишида энг катта хатоларга йўл қўйган шахс, шубҳасиз, Туркон Хотун бўлгани учун спектаклда бу персонажга алоҳида урғу берилган. Бироқ актриса С.Раметова ижросида қаҳрамоннинг зодагонларга хос хусусиятлари очилмай қолган. Ваҳоланки, асарда Туркон Хотун таърифига доир матнлар пухта бўлиб, қаҳрамоннинг линияси ҳам аниқ чизиларда ифодаланган. Тўғри, бир жиҳатдан олиб қараганда, бутун бир салтанатни қўл остида тута билган шахснинг образини яратиш мураккаб вазифа. Аммо юқорида қайд этилган омиллардан келиб чиқиб, актрисада ролни маромига етказиб ижро этиш имконияти мавжуд эди, деб ўйлаймиз. С.Раметова ижросида Туркон Хотунга хос ҳукмфармолик хусусиятларини ифодалаш учун ортиқча бўрттиришлардан фойдаланилгани мақсаддан узоқлашишга сабаб бўлган. Актрисанинг имкониятларини билганимиз ҳолда, бу образ ижродан ижрога қиёмига етиб боради, деган умиддамиз.

Чингизхон ва Туркон Хотуннинг суҳбати саҳнаси давлат таназзулининг сабабларини очиш, Жалолиддиннинг давр қурбони эканлигини ифодалаш, қолаверса, бу икки шахснинг характерини янада кенгроқ ёритиш учун киритилган. Бу саҳнада Туркон Хотун маънан Чингизни мағлуб этади. Шу кўринишда Хоразмнинг барибир буюклигича қолишига размий ишора бор. Диалоглар моҳирлик билан ижро этилгани сабабли ушбу саҳна таъсирли ва ишонарли чиққан.

Асарда Темур Маликка (актёр Фирдавс Зияев) ажратилган ўрин кам бўлса-да, унинг ақл-заковати ва вазминлиги ёрқин ифодасини топган. Чингизхондан Султон Жалолиддинга ўғлининг ҳаёти эвазига юрт озодлигини сўраб чопар йўлланганда Темур Маликнинг характер хусусияти яққол кўзга ташланади. Султон Жалолиддиннинг Султон қандай қарорга келмасин, унинг қарори муҳокама этилмаслиги ва нима бўлганда ҳам унинг ёнида бўлишини билдирганида томошабиннинг бу қаҳрамонга ҳурмати ошади. Фарзандинг ҳам, Ватаннинг ҳам азиз эканлигини англаган ҳолда, энг сўнгги қарорини билдиришга фақатгина ҳукмдор ҳақли эканини англаши унинг юксак ақл-фаросатини намоён этади. Қаҳрамонлар орасида фақат Темур Малик Султон Жалолиддинга фикрини очиқ билдира олиши тарихий фактларга асосланган ҳолда гавдалантирилган. Иккала актёрдан она ва боланинг муносабатларидек соф муносабатни кўрсатиш талаб этилган. Бунинг сабаби шуки, фақат она фарзандига хатоларини рўй-рост ва очиқ айта олади, унга кўзгу тутади. Темур Малик ҳам Жалолиддинга ҳеч қандай манфаатсиз худди шундай меҳр туяди ва ҳеч нарсадан чўчимай, унга ростини айта билади. Шу орқали режиссёр ўзаро илиқ ва самимий муносабатларни ифодалашни мақсад қилган.

Аслини олганда Хоразмшоҳлар салтанати ҳукмдорларининг ўзаро ички ихтилофлари спектаклда кўрсатилганидан анча мураккаб эди. Уларнинг бир сулола вакили бўла туриб, бир-бирларини йўқ қилишга тайёр туришлари томошада пардага ўралган ҳолда нозик ифодаланган. Спектакль шу жиҳати билан ҳам қимматли. Қирпичоқ бўлган қондошларга спектаклда урғу берилмагани ниҳоятда тўғри ечим бўлган. Туркон Хотуннинг ўз қавми бўлмиш қипчоқларга қайишиб, набираси бўлишига қарамай, Жалолиддинни тан олмаслиги ёки ҳокимиятга эришишдан ўзга нарсани ўйламайдиган Қутбиддин Ўзлоқшоҳнинг ўз акасини ғаним санашида ички парокандалик яққол намоён бўлган.

Жалолиддиннинг яна бир иниси Рукниддиннинг (актёр Донийёр Насриддинов) акасига бўлган меҳр-муҳаббати ҳақиқий қондошлик муносабатлари қандай бўлиши кераклигини ифодалайди. Унинг акасига жон қуйдириб "Ўзингизни силкиб олинг" деганида Жалолиддиннинг қалби жунбушга келади ва унинг олға қадам ташлашига туртки беради.

Султон Муҳаммад (актёр Беҳзод Муҳаммадкаримов) онасининг хоҳиш-иродасига қарши боролмайдиган ҳукмдор сифатида гавдаланади. Умри поёнига етишидан аввал хатосини тўғрилаш учун Жалолиддинни Султон дея эълон қилади ва у дунёга ёруғ юз билан боришни умид қилади. Ашура оролида аянчли ҳолда, хорликда вафот этган султоннинг мавҳум кечинмалари маълум маънода ўз ечимини топган. Султон Муҳаммад сўнгги вазифасини адо этгач, саҳнани хотиржам тарк этади. Такеш Султон (актёр Саидкомил Умаров) саҳнада атиги уч маротаба кўринса-да, энг муҳим воқеаларга замин ҳозирлайди. Жалолиддин дунёга келиши биланоқ уни тахт вориси деб эълон қилади. Туркон Хотун Жалолиддинни тахт ворислигидан маҳрум этгач эса, Султон Муҳаммаднинг тушига кириб, уни таъқиб этиши ва Жалолиддинга Ватан ёки фарзанд омонлигини танлай олмай иккиланганида ҳулоса чиқариш учун саҳнада намоён бўлади. Спектаклнинг энг катта ютуғи — ҳар бир персонаж тарихий сиймоларнинг шахсиятига дахл қилмаган ҳолда гавдалантирилганида. Зеро, образлар уларнинг шахсий хусусиятлари, замондошлари томонидан ёзиб қолдирилган фикрларга таянган ҳолда яратилган.

Спектакль сценографияси Ўзбек Миллий академик драма театрининг анъанавий декорацияларидан мутлақо фарқ қилади. Барча саҳна безаклари рамзийлик асосига қурилган. Ҳаракатланувчи саҳнадан фойдаланилмаган. Муҳташам сарой ва шоҳона тахт кўринишидан воз кечилган. Саҳна марказидаги уч зина уч ҳокимиятни англатади. Маълумки, Туркон Хотун Султон билан тенгма-тенг давлатни бошқарган. Бу ҳолат кўш ҳокимиятчиликни ёдга солади. Икки чеккадаги зиналар айнан Туркон Хотун ва Султон Муҳаммад тахтининг рамзи бўлса, марказдаги зина Султон Жалолиддиннинг ҳокимияти рамзи. Бу яна шуни ифодалайдики, Жалолиддин на отаси, на бувиси томонида туриб давлатни бошқармаган. Унинг алоҳида ўз ўрни бор. Жалолиддиннинг мазкур икки ҳукмдордан фарқи, оз муддатга бўлса-да, Хоразм диёрини бирликда тутишга муваффақ бўлганида эди. Муаллақ ҳолда турган, ўртасидан узилган икки қизил арқон кўш ҳокимиятга барҳам берилишини ифодалайди. Зиналар атрофини қуршаб турган тўсинлар шаклан найзани эслатади. Бу эса давлатни душманлардан муҳофаза этувчи девор мазмунида жойлаштирилган. Умуман, саҳнадаги ҳар бир унсур актёрлар ижросига ёрдам берган. Турғун ҳолатдаги саҳна орқали Хоразмшоҳлар саройи, Чингизхон қароргоҳи ва уруш майдони акс эттирилган.

Бизнингча, ушбу спектакль театрга янги анъаналар эпкинини олиб кирди. Жаҳонда театр санъати ривожланиб бораётган бир даврда янги услубдаги спектакларни саҳналаштириш ҳар бир театр учун жуда муҳим. Томошабинлар ва мутахассисларнинг спектаклга берган ижобий баҳолари уларнинг янги йўналишдаги асарларга ташна эканликларини намоён этди.

**Моҳинур АҲМАДЖОНОВА,**
**Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси етакчи мутахассиси**

# РАНГТАСВИРДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

*Бой анъаналарга эга бўлган Ўзбекистон рангтасвир санъати XX асрга келиб бутунлай янги мазмун, услуб касб этди ва жадал ривожлана бошлади. Ҳозиргача янгиланиш жараёнини кечираётган бу соҳанинг айрим янги тенденциялари борки, уларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.*

Мустақиллик даврининг дастлабки ўн йиллигида, айниқса, буюк алломаларимизнинг образлари эталон сифатида қабул қилинган асарлар яратила бошланди. Муҳаммад Нуриддиновнинг "Саид Барака Амир Темурга салтанат рамзи Байроқ ва Ноғорани топширмоқда" (1996), Алишер Алиқуловнинг "Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан ғалабаси" (1996), Зайнуддин Фахриддиновнинг "Ғалаба" (1997) каби буюк Соҳибқиронни улуғлаган асарлари ва ниҳоят Малик Набиевнинг эталон сифатида тан олинган "Амир Темур портрети" (1999) картиналари, шунингдек, Тўра Қурёзовнинг "Жалолиддин Мангуберди" (1997), Собир Раҳметовнинг "Алпомиш" (2000) каби қаҳрамонлар тасвирланган асарлари фикримизнинг далилидир.

Қаҳрамонлар мавзусидан ташқари мустақиллик йилларида севги-муҳаббат, оила мавзулари ҳам долзарблашди. Шавкат Ҳакимовнинг "Севишганлар" (1997), Леким Ибрагимовнинг "Оила" (1999), Ғофур Қодировнинг "Учрашув" (1999), Акмал Нурнинг "Оқ тун висоли" (2001), Мурод Қорабоевнинг "Кутиш" (2001), "Биринчи коньки" (2014), "Парвоз" (2014), "Само тўғрисидаги ўйлар" (2014), "Олифталик" (2014) каби турқум асарлари эртакнамо, ҳиссиётга бой, кўтаринки руҳ билан ишланган. Картиналардаги бола бир вақтнинг ўзида ҳам ҳаётий, ҳам тўқима образдир. Бу образ орқали муаллиф ҳар бир киши болалигида беғубор, соф, эзгу, олижаноб мақсадларга интилишини ифодалайди.

Бобур Исмоиловнинг ижоди Мурод Қорабоев ижодидан фарқ қилади. Унинг полотноларида маъюс характердаги эга қиёфаларни, ғамгинликни, ҳаётдан чарчаш, армон каби туйғулар акс этган образларни учратамиз. Бу жиҳатлар, айниқса, якка персонажлар тасвирланган картиналарда яққол кўзга ташланади. "Олма ушлаган қиз" (2008), "Вазни саклаб туриб" (2008), "Дераза" (2009), "Қиз портрети" (2010) асарлари бунга мисолдир.

Серқирра ижодкор Санжар Жабборов асарларида яширин руҳий ҳолатлар, рассом айни дамда ҳис этаётган туйғулар, инсон ҳаётида содир бўлиши мумкин бўлган турли муаммолар мавҳум образлар орқали

Мухторхон Исановнинг "Ошиқ анор" (2001) каби ўзига хос йўналиш ва оқимларда ишланган ўнлаб асарлари бу борада намуна бўла олади.

Янги фалсафа ва шаклларга мурожаат этган рассомлар фақат рангтасвир билан чегараланиб қолмай, санъатнинг замонавий турларига ҳам мурожаат эта бошладилар. Инсталляция, видео-арт, перфоманс каби ижод кўринишлари юзага келди. Жамол Усмонов, Вячеслав Аҳунов, Александр Николаев, Бобур Исмоилов, Фаррух Аҳмадалиев мазкур санъат турларида сермаҳсул ижод қилдилар.

Мустақиллик даврининг иккинчи ўн йиллигида замонавий рангтасвирда бошқача йўналишни эслатувчи ва шаҳс фалсафасини талқин қилувчи маъно ва нозик оҳанг пайдо бўлди. Мурод Қорабоев, Бобур Исмоилов, Темур Аҳмедов, Фаррух Аҳмадалиев, Санжар Жабборов каби илғор рассомлар ижодида бу ҳол алоҳида кўзга ташланади. Бу рассомлар ижоди бир-биридан фарқ қилиб турса-да, улар постмодерн йўналиши асосида дунёни идрок этишнинг умумий концепциясини англаб олдилар. Уларнинг турли услуб ва оқимлар таъсирида ишланган картиналарида прагматик ғоялар ва образларнинг муайян умумийлиги сезилади. Масалан, Мурод Қорабоев картиналарида замон ва маданий алоқалардан четлашиш ва узилиш фалсафаси қузатилади. "Кутиш" (2001), "Қачонлардир учиб кетган булбулнинг қайтиши" (2001), "Қизил туфли" (2004) каби асарлари сирлиликка, фалсафий маънога бойдир. Шунингдек, унинг асарларида бир вақтнинг ўзида жиддий ва киноя тарзда ишланган болалар образи орқали ғайритабиий интеллектуал ва психологик оҳанг тасвирланган акс этади. Мусаввирнинг илк ижод намуналарини қузатиб ("Сахродаги сароб", "Ёмғир"), у немис рассоми Герхард Рихтер абстракцияларидан таъсирланганини сезиш мумкин. Мазкур даврдаги картиналарида у рангларга унча аҳамият қаратмаган бўлса, кейинчалик ёрқин, очиқ ранглардан фойдаланганини кўришимиз мумкин. Мавзу жиҳатдан рассом, асосан, сюрреализмга мурожаат этган. "Дилгирлик" (2011), "Ичкарида" (2013), "Ўғри" (2014), "Тарвуз. Композиция" (2014), "Бифуркация нуқтаси" (2014) асарлари сюрреалистик ва шу билан бирга содда, динамик тарзда ифодаланган. Мазкур асарлар рассом учун тасвирланаётган инсоннинг зоҳирий кўриниши аҳамиятли эмаслиги, фақат ботиний сифатлари аҳамиятли экани образларнинг фақат шаклан ифодаланиши ва юз қиёфасининг берилмаслиги билан англатилади. Асарлардаги мумтоз эстетик қолипларни бузиш, фикрни чалғитадиган ҳаракатлар, композициядан кескин чиқиш ҳолатлари орқали рассомнинг ички хиссиётлари намоён бўлади.

Ўзбекистон замонавий рангтасвирида илк янгиланиш 1980 йилларда асос сифатида кириб келган бўлса, мустақиллик даврининг биринчи ўн йиллигида ривожланди. Мустақиллик даврининг иккинчи ўн йиллигида эса ўзбек рангтасвирида пластик ҳамда маъно жиҳатдан янгиланиш тамойиллари пайдо бўлди. Бу эса, рассомларнинг ижтимоий-шахсий муаммолари фалсафий талқин этишга интилишида кўзга ташланади.

**Муниса ЖЎРАБОЕВА,**
**Бектемир туманидаги 290-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси**

*Баҳор нафаси, байрамлар таровати уфуриб турган айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, таниқли композитор Ойдин Абдуллаева ва унинг шогирдлари концерт дастурини намойиш этдилар. Қашқар рубоб, афғон рубоб, най ва қўшнай каби миллий чолғулар ижросида янграган асарлардан тузилган дастур тингловчиларнинг олқишларига сазовор бўлди. Концерт композиторлар асарлари ижроси орқали миллий чолғуларимизнинг тароватини ўзига хос услубда очиб берди. Ўзбекистон филармониясининг истеъдодли дирижёри Дилшод Муталов раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғулари оркестри жўрлигида жаранглаган ҳар бир куй тингловчини ўйлашга, эзгуликка чорлаши билан алоҳида аҳамият касб этди. Концертдан сўнг Ойдин Абдуллаева билан суҳбатлашдик.*

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА:**

# ИЖОД — ҲАЁТИМ МАЗМУНИ

**— Ойдин опа, сиз Олий Мажлис депутатлигига сайланган биринчи композиторсиз. Айтинг-чи, янги концертингиз ғояси қандай пайдо бўлди?**

— Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, композиторларимиз орасида шогирдлари билан синф концерти ўтказиш анъанаси илгари қузатилмаган. Шу маънода 2012 йили биринчи бўлиб шогирдларим билан консерваториянинг орган залида камер мусиқаси асарларидан тузилган синф концертини ўтказганмиз. Муваффақиятли чиққан ушбу тадбир кейинги концертни оркестр жўрлигида ўтказиш орзусига замин ҳозирлади. Кўп ўйландим. Вақт ўтиб, шогирдларим ёзган асарларни чамалаб кўрсам, миллий чолғуларимиз учун ёзилган асарлар анчагина экан. Ўқишни битириб кетган Нурали Эркаев, Нодир Махаров, Шерзод Собиров, ҳозир таҳсил олаётган Жаҳонгир Жўраев, Фазлиддин Раҳимов, Маржона Омонжонова ва ўзим ёзган асарларни саралагандек, кўрсак, бир соатлик мусиқий дастур шакилланди.

**— Ушбу концерт учун асарлар танлашда қандай жиҳатларга эътибор бердингиз? Умуман, концерт ўтказишдан қандай мақсадни кўзлаган эдингиз?**

— Миллий чолғулар учун асар ёзаётганда, асосан, мусиқий тилга эътибор бераман. Ўзбек мусиқасининг софлиги, қадимийлиги, мусиқий тилга яқинлиги мен учун жуда муҳим. Масалан, Ҳамид Раҳимов, Сайфи Жалил каби бир канча устозлар миллий чолғулар учун асарлар яратишган. Лекин айрим композиторларимизнинг асарларида европа мусиқасининг ва композиторлик дунёқарашининг таъсирлари сезилиб туради. Концерт дастурига асарлар ёзишда ва уларни танлашда айнан ўзбек мусиқаси ўзбекча бўлишига, лекин композиторлик қонун-қоидаларига, талабларига жавоб беришига ҳаракат қилдим. Шогирдларимга ҳам мусиқий тил, шакл ва драматургия борасида шундай талаб қўяман. Асосий мақсад — тингловчи композитор яратган асарни қабул қилсин, тинглаб фикрласин, мусиқа дунёқарашига ижобий таъсир ўтказсин.

**— Концертдан кўнглингиз тўлдими? Шогирдларингиздан кимларнинг асарларини алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?**

— Концертдан кўнглим тўлди, албатта. Чунки репетицияларда қатнашдим, ҳар бир шогирдим асари қандай янграйди, биз ўйлаганларимиз, тасаввурларимиз қандай рўёбга чиқади, деган фикрлар бор эди. Яккахонлар барчаси халқ чолғулари йўналиши талабалари бўлгани боис, ҳали уларнинг ижрочилик тажрибаси кам. Шундай бўлса-да, консерваториянинг "Халқ чолғуларида ижрочилик" кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Одилжон Назаров, доцент Зулхорбек Туропов, катта ўқитувчилар Ботир Дўсимбетов ва Дилшод Мелибоев ўз шогирдлари билан асарлар устида ишлаб, биз билан ҳамкорлик қилишлари натижасида кўзланган натижага эришдик, деб ўйлайман. Барча шогирдларимдан миннатдорман. Шундай бўлса-да, Нодир Махаров, Жаҳонгир Жўраевнинг асарларини алоҳида таъкидлаб ўтишим мумкин.

**— Сизнинг "Қўшнай ва оркестр учун концерт" асарингиз тингловчиларда, мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Қўшнай чолғусининг ноёблиги, ижро имкониятлари чеклангани, умуман, бу чолғуга композиторларимиз томонидан асарлар кам ёзилганини ҳисобга олсак, бу асарнинг қиммати жуда юқори экани маълум бўлади. Мумкин бўлса, шу асарингиз ҳақида тўхталиб ўтсангиз?**

— Тўғри, қўшнай чолғусининг диапазони атиги бир ярим октава оралиғида бўлиб, нафас билан боғлиқ. Шунинг учун йигирма йиллардан бери бу чолғу учун асар ёзишга журъат этолмай юрардим. Бу борада менга моҳир қўшнайчи, ҳофиз Шавкат Матёқубовнинг таъсири катта бўлди. 2019 йили Озарбайжонда бирга малака оширишда бўлганимизда "Мен қўшнайда 1-октава ре дан 3-октава ре гача ола оламан", деди ва буни амалда кўрсатиб ҳам берди. Шундан сўнг бу чолғу учун ўша 3-октава ре ни кўрсата оладиган, куй оҳанглари ўзбекча янграйдиган асар ёзишга киришдим. Биласизми, қўшнай шу юқоридаги нотани олганда, тингловчилар қарсак чалиб юборади, деб тахмин қилгандим, ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Яккахон созанда Сардор Примов ёш бўлишига қарамай, истеъдодли, шижоатли йигит экан. Асарни ёзиш жараёнида ҳам у билан мунтазам мулоқотда бўлдим. Ҳар бир қисмни кўрсатиб, чалиш имкониятлари ҳақида маслаҳатлашиб турдик. Кўзланган мақсадга эришдик, деб ўйлайман.

**— Ўзбекистон композиторлари ижодида доимий репертуардан жой олган, концерт ижро дастурига айланган, жаҳон саҳналарида мунтазам ижро этилаётган миллий чолғулар учун яратилган асарлар кам учрайди. Бунинг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?**

— Бундай асарлар, ҳақиқатан ҳам, деярли учрамайди. Композиторлик санъати ўзбек мусиқасида, асосан, собиқ шўро даврида шаклланди. Шунинг учун асарларда ўша давр мактаби, йўналиши, ўша давр мафкураси, европа оҳанглари ва руҳиятининг таъсири катта бўлган. Ҳозирги даврда эса биз композиторлар миллий чолғуларимиз учун кўп ёзишимиз керак. Миллий чолғуларимизнинг аҳамиятини ошириш композиторлар ва ижрочиларнинг вазифаси. Ўзбек чолғуси ва ўзбек мусиқаси бирлашиб, замонавий ижрочилик йўналишлари композиторлар асарида аксини топсагина, сиз айттандек, жаҳон саҳналарини ҳам забт этишимиз мумкин.

**— Сиз узоқ вақт мобайнида Ўзбекистон давлат консерваториясида композиция кафедраси мудири сифатида замонавий ўзбек композиторларини тайёрлашдек ўта масъулиятли ишни бажариб келдингиз. Бугун кўплаб ёш композиторларнинг устози даражасига етдингиз. Миллий чолғуларимиз учун яратилаётган асарларда миллий унсурлардан кенгроқ ва унумлироқ фойдаланиш учун композиторларимиз яна нималарга эътибор беришлари зарур, деб ҳисоблайсиз?**

— Композитор бўлишни мақсад қилган ижодкор, аввало, чуқур билим ва кенг тафаккурга эга бўлиш билан бирга, мусиқий меросимиз, миллий мусиқамиз, унинг шаклланиш тарихи, таркибий тузилмалари, миллий чолғулар оркестри ва чолғуларимиз хусусиятлари билан боғлиқ билимларни яхши ўзлаштириши зарур. Шунингдек, фортепиано билан бир қаторда миллий чолғулардан бирида ижро кўникмасини ўзлаштирган бўлиши ҳам шарт. Шундагина сиз тилга олган мусиқий унсурлар композиторлар асарларида ёрқинроқ акс этади.

**— Суҳбатимиз байрам арафасида бўлаётгани учун Сизни, сизнинг тимсолингизда ижодкор аёлларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклайман. Нафақат мусиқа маликаси, балки ғамхўр устоз, моҳир педагог, жамоат арбоби сифатида ҳам эҳтиромга сазоворсиз. Байрамларга бой март ойининг гўзал кунларида мухлисларга қандай тилакларингиз бор?**

Юртимизнинг барча аёлларини баҳор байрамлари билан чин дилдан қутлайман. Юртимиз фаровон, хонадонларимиз обод бўлсин.

**Дилшод ФОЗИЛОВ**
**суҳбатлашди**

## "ТЕАТР"

**2020 йил, 1-сон**

Журналнинг 2020 йилдаги илк сонининг илк саҳифаларида "Эҳтиром — 2019" мукофоти совриндорларини тақдирлаш ҳақидаги ахборот берилган. Доцент Ш.Усмоновнинг мақоласи актёрлик фаолиятида саҳна ҳаракатининг ўрни масалаларига бағишланган, "Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир" мақоласи муаллифи мусиқашунос Д.Камолова Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида саҳналаштирилган "Қумуш" операсининг мусиқий партитураси борасида фикр юритади. "Премьера" рукнида берилган М.Исматуллаева, Б.Омонбоев, Ф.Холбозорова, Л.Ғаниева, М.Бозорова, Ф.Шоева, Г.Салимованинг мақолаларида республикамиз театрларида саҳналаштирилган янги спектакллар ҳақида томошабинларга кенг маълумот берилган.

Шавкат Дўстмуҳаммаднинг "Танқид" рукнида эълон қилинган мақоласи, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Нодирбек Сайфуллаевнинг бадиий таълимнинг долзарб масалалари ҳақидаги фикрлари, Равшан Фатхуллаевнинг Алишер Навоий номидаги академик катта театр биносининг ганч безаклари ҳақидаги мақоласи ўқувчиларда қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, У.Ўтанова, М.Умархожаева, К.Нишонова, А.Оринов, Д.Азизов, Э.Мирзаназарова, Ф.Қобилова, О.Абдуллаев каби муаллифларнинг театр санъатига доир турли мавзудаги чиқишлари ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Журналдаги мақолалар мазмунига уйғун суратлар ҳам нашр мундарижасига ранг-баранглик бағишлаган.

**Ботир РАЗЗОҚОВ**

# ХАЙРЛИ ИШЛАРНИНГ ДАВОМИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси "Ижод" жамоат фонди томонидан атоқли адибларнинг танланган асарларидан тортиб ёш ижодкорларнинг китобларигача мунтазам нашр этиш анъанага айланди.

Абдулла Қодирийнинг 125 йиллигига бағишлаб нашр этилган "Танланган асарлар" китобига ўзбек китобхонининг энг севимли асари — "Ўткан кунлар" ҳамда "Меҳробдан чаён" романлари, шунингдек шеърлар, ҳикоялар, саҳна асарлари, ҳангома, фельетон ва мақолалари жамланган. Кичик жанрларда яратилган асарлари умумий номда "Диёри бакр" деб аталган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг 90 йиллиги муносабати билан адибнинг "Танланган асарлар" китоби чоп этилди. Китобга шоирнинг "Тўмарис", "Булбул уяси" сингари достонлари, "Тажриба томчилари", "Украина хотиралари", "Болалигим" туркумларидан саралланган шеърлар ва сонетлар киритилган. Мазкур китобга жамланган халқона асарлар Зулфия, Абдулла Орипов сингари атоқли ўзбек шоирлари, шунингдек, ёш шоир-таржимонлар томонидан ўзбекчага ўгирилган.

Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг шеърлар, достонлар, мақолалар, очерклар, эсселар ва хотиралардан таркиб топган "Танланган асарлар"и нашри ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотадиган китоблар сирасидандир. Тўра Сулаймон одам ҳаёти ва олам ҳодисаларини кечанинг назари билан кўриб, шуурга тез етиб бориб, унда мустаҳкам ўрнашадиган азалий усулда ифодалайди. Шоир ижодининг ўлмас қадриятлардан сувланган илдизлари чуқур кетган. Шу сабаб, шеърларда миллатнинг узилмас умр занжири, боқий қадриятлари акс этади.

Шоир асарлари ҳали кўп авлодлар қалбини зиёга тўлдиришига ишончимиз комил.

Устоз адибларнинг "Танланган асарлар" китоблари "Шарқ" НМАК Бош таҳририяти томонидан чоп этилган.

Таниқли шоир, адабиётшунос Отабек Исмоиловнинг "Машҳур-Пресс" нашриётида чоп этилган "Ҳайрат лаҳзалари" адабий мақолалар тўплами Алишер Навоий ва уни ўзига устоз деб билган Муҳаммад Ризо Огаҳий асарлари мутолааси бахш этган завқ шавқ ва ҳайратлар маҳсулидир.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Рисоладан ғазаллар, байтлар таҳлилига бағишланган мақолалардан сўнг, икки буюк шоир – Навоий ва Огаҳий ғазалларига муҳаммаслар ҳам ўрин олган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг соддадил Матмуса ва унинг Донишқишлоғи ҳақидаги ҳажвий шеърлари халқ орасида машҳур.

**Китоб бўлар таърифи,**
**Ёзса минг бир саҳифа.**
**Донишқишлоқ аҳлидан**
**Тингланг уч-тўрт латифа...**

Айниқса, "Матмусанинг дутори", "Матмусанинг уйланиши" сингари латифанамо ҳажвлари ҳамон ўқувчида янги ёзилгандай таассурот қолдиради. Шоир ҳажвиёти бошқа тилларга, жумладан, тожик тилига таржима қилиниб чоп этилаётгани боиси ҳам шунда.

"Нурафшон-бизнес" нашриётида чоп этилган адибнинг "Матмусои кунжкоб" номли китобига Матмуса туркумидаги ҳажвлари ва бошқа ҳажвий шеърларидан намуналар киритилган.

Шеърларни тожик тилига Асадуллоҳ Исмоилзода таржима қилган.

**Ҳумоюн АКБАРОВ**

# ТИЛГА ЭРК БЕРИШ ЖОҲИЛЛИКДИР

Аллоҳ таоло инсонларга сон-саноқсиз неъматларини берган. Улар орасида инсон вужудининг соғ-саломат бўлиши энг улуғ неъматларидан биридир. Бу вужуд инсонларга берилган омонат ҳисобланиб, уни хайрли ишларда ишлашига ва ёмон ишлардан сақлашга шариатимиз амр қилади. Тил – инсонларнинг жисман кичик, аммо масъулият ва вазифа жиҳатидан эътиборга молик аъзосидир. Шунинг учун ҳам Қуръони каримда Аллоҳ таоло уни таъкидлаб: "Ахир Биз унга кўз, тил ва икки лаб (ато) қилмадикми?" — дейди ("Балад" сураси, 8-9- оятлар).

Бошқа оятда эса нутқ инсонга берилган фазл ва марҳаматнинг энг сараси эканлиги баён қилинади: "Меҳрибон (Аллоҳ Муҳаммад ва унинг умматларига) Қуръонни таълим берди. У зот инсонни яратиб, унга (дилидаги мақсадини аён эта олиши) баённи (нутқни) таълим берди" ("Роҳман" сураси, 1-4-оятлар). Шундоқ экан, тилни фақат хайрли сўзларда ишлатиш ва ёмон сўзларга одатланиб қолишдан сақлаш зарур.

Имом Молик (розияллоҳу анҳу) Яҳё ибн Саъиддан ривоят қилишича, бир куни Исо (алайҳис салом) йўлда кетаётиб бир тўнғизнинг ёнидан ўтиб қолдилар. Шунда тўнғизга қараб: "Манзилингга саломат етиб ол", — дедилар. Буни кўрган ҳамроҳлари: "Шу гапни тўнғизга айтяпсизми?" — деб сўрашди. Исо (алайҳиссалом): "Ҳа, мен тилимнинг ёмон сўзларни сўзлашга одатланиб қолишидан қўркаман", — деб жавоб берган экан. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам биз умматларини тилни ножўя сўзлардан асрашга, иложи бўлмаганда сукут сақлашга буюрганлар. "Ким Аллоҳ таолога ва охират кунига иймон келтирган бўлса, фақат яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин" ("Муттафақун алайҳ").

Ислом дини тилга эътибор беришга ундашининг, уни бефойда ва гуноҳ бўладиган сўзларга ишлатишдан қайтаришининг боиси шундаки, тил қалбнинг таржимони ҳисобланади. Қалб эса иймон масканидир. Демак, инсоннинг имони қай даражада бақувват, қалби қанчалик соф бўлса, унинг тилидан фақат ҳикматли, ширин гаплар чиқади. Ўз навбатида тил қанчалик ёмон гапларни кўп гапирса, инсоннинг қалби қораяди, натижада имони сусаяди. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар: "Банданинг иймони тўғри бўлмайди токи қалби тўғри бўлмагунча, шунингдек, қалби тўғри бўлмайди, токи тили тўғри бўлмагунча".

Тил (сўз) офатлари кўп: бемаъни, бефойда сўзларни гапириш, ботил, гуноҳ ишларни сўзлаш, сергаплик ва одамларга ёқиш учун сўзамоллик қилиш, фаҳш, сўкиш, одобсиз, ахлоқсиз сўзларни айтиш, ўзгаларни мазахлаш ва устидан кулиш, сирни ошкор қилиш, ёлғон сўзлаш, ғийбат, чақимчилик ва бошқалар тил офатидир. Буларнинг ҳаммаси қораланган ва инсонлар булардан қайтарилган. Чунки бу сўзларнинг манбаи ёмонлик ва маломатдир.

Динимизда кўп сўзлашдан қайтарилган, чунки сўз кўпайганда мақсад унутилади. Ёмон, фаҳшни билдирувчи сўзларни айтиш эса қаттиқ қораланган. Пайғамбар алайҳиссалом фақат рост сўзни айтардилар ва умматни шунга чақирганлар. "Ростгўйликнинг энг паст даражаси зоҳир билан ботиннинг баробар бўлишидир", деган Абулқосим Қушайрий.

Тил офатларининг энг ёмони ёлғон гапириш, ёлғон гувоҳликка ўтишдир. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу): "Ёлғон гувоҳлик бериш уч маротаба Аллоҳга ширк келтиришга тенглаштирилган", дедилар ва кейин "Ёлғон (сўзлар билан) гувоҳлик беришдан узоқ бўлинглар" оятини тиловат қилдилар (Табароний ривояти). Ёлғондан гувоҳлик бериш жамиятдаги тинчликни бузишга, одамларга зулм, жафо етказишга, улар ўртасида адоват ва хусумат туғилишига сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло яхши кўрган бандалари ёлғон гувоҳлик бермаслиги ҳақида шундай марҳамат қилади: "Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) ёлғон гувоҳлик бермаслар ва беҳуда (сўз ё иш) олдидан ўтган вақтларида олижаноблик билан (ундан юз ўгирган ҳолда) ўтарлар" ("Фурқон" сураси, 72-оят).

Ёлғон барча разилликларнинг онаси, қулфатларнинг боши, инсонни қабиҳ ишларга бошловчи, обрўйини тўкувчи иллатдир. Шу сабабдан динимиз ёлғон гапиришдан қайтаради. Аллоҳ таоло бундай таълим беради: "Ёлғон сўзларни фақат Аллоҳ оятларига имон келтирмайдиганларгина тўқийдилар. Айнан ўшаларнинг ўзлари ёлғончидир" ("Наҳл" сураси, 105-оят). Тил офатларидан яна бири сўкиш ва аччиқ-тизиқ гапиришдир. Рост бўлса ҳам аччиқ-тизиқ ва уят сўз, гапларни гапириш ҳам шариатимизда қаттиқ қораланган. Сўкиш қабиҳ саналган нарсани очиқ-ойдин сўзлар билан ифодалашдир. Аччиқ-тизиқ ва кесатиш сўзлари рост бўлса ҳам нутқдаги фаҳш ва қабиҳликдан бошқа нарса эмас.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: "Мусулмонни сўкиш фосиқлик, ўлдириш эса куфрдир" деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Улуғ муаллим Абдулла Авлонийнинг бундай сўзлари бор: "Иғво ва чақимчилик энг ярамас сифат бўлгани учун бу ёмон сифатни ўзларига маслак қилиб олган кишилар халқ назарида мунофиқ саналади. Икки киши орасида сўз юритиб, бирини иккинчисига душман қилган, икки томонга адоват оловини ёқиб, уларни бир-биридан жудо этган кимсаларнинг дилларида заррача инсонийлик туйғуси бўлмайди, булар виждонсиз, номуссиз кишилардир. Шунинг учун улардан ҳазар қилинг", деганлар.

Ҳозирги давримиз ахборотлашув ва технология давридир. Айниқса, ижтимоий тармоқлар кўлами кенгайиб бормоқда. Минг афсуски, яхшилик билан бирга ёмонлик фитна-фасод тарғиботлари ҳам кучайиб бормоқда. Ижтимоий тармоқларда бир кишининг жасади, нафси, ахлоқи, қилган ишлари, айтган сўзлари, уйи, оиласи, болалари, ота-онаси, насл насаби, обрўси-шаъни ва шу каби унга тегишли бўлган барча нарсаларини айиблаш авж олмоқда. Бу, албатта, ғийбатга киради. Бир кимса ҳақида ёлғон тўқиб гапиришга эса бўҳтон дейилади. Ғийбат гуноҳи кабира ҳисобланади. Имом Қуртубий раҳматуллоҳи алайҳ: "Ғийбатнинг гуноҳи кабира эканига ихтилоф йўқдир, шунинг учун ғийбат қилган киши Аллоҳ азза ва жаллага тавба қилиши лозим", деган.

Инсонларнинг обрўсига тегишнинг гуноҳи ҳақида ҳадиси шарифда шундай дейилган: Саид ибн Зайд(розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: "Пайғамбар саллолоҳу алайҳи васаллам: "Энг кўп (зарарли) бўлган судхўрликдан бири мусулмоннинг обрўсига ноҳақдан тил теккизишдир", дедилар.

Демак, "Тил фақат тўғри сўзни айтиш ва Аллоҳни зикр қилиш учун" бўлиши лозимдир. Аллоҳ таоло тилимизга эътибор берадиган, уни беҳуда сўзларни сўзлашдан эҳтиёт қиладиган ва доимо чиройли, маъноли сўзлайдиган, тил ва сўз қоидаларига риоя қиладиган ўзига маҳбуб бандаларидан қилсин. Омин!

**Одил ХОЛМУРОДОВ,**
**Миробод тумани "Ал-Бадр"**
**жомеъ-масжиди имом хатиби**

## "GULISTON"

**2020 йил 1-сон**

Журналнинг 2020 йилдаги биринчи сони мавзуларнинг ранг-баранглиги, ҳозиржавоблик билан ёзилган мақолалар, материаллар мазмунига хос рангли суратлари билан ўқувчилари эътиборини тортади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири О.Назарбековнинг маданият соҳасининг бугунги сиёсий-маданий, ижтимоий-ахлоқий масалалардаги ўрни борасида фикр юритилган "Маданият — миллат юзи" сарлавҳали мақоласида кўнгилдаги гаплар айтилган. Буюк аждодларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари муносабати билан берилган адабиётшунос олимларнинг мақолалари нафақат соҳа мутахассисларида, балки барча адабиёт мухлисларида ҳам қизиқиш уйғотади.

Огаҳий ғазалларидан намуналар, шоир Вафо Файзуллоҳнинг шеърлари назм ихлосмандларини ўзига жалб этади. Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллигига, Хоразмда ижодкор ҳайратга сазовор бўлган воқеаларга, Иккинчи жаҳон уруши йилларида жангчиларга руҳий мадад берган санъаткорларга, туризмнинг иқтисодиёт билан боғлиқ жиҳатларига, халқ мурожаатига муносабатга бағишланган қатор мақолалар ҳам ўз ўқувчисини топади, деб ўйлаймиз. Санъат мухлислари мақом устаси Маҳмуджон Тожибоев, таниқли актриса Дилноза Кубаева билан бўлган суҳбатлардан ўзлари учун керакли маълумотларни топсалар, спорт ишқибозлари Комил Юсуповнинг кураш спорти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишадилар.

Шунингдек, "Гулистон" бисотидан", "Мутолаа завқи", "Рассом устахонасида", "Ўзбек композиторлари", "Олам ва одам", "Гулқайчи" рукнида берилган материаллар, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти устоз педагоглари қаламидан тўкилган фикр-мулоҳазалар ҳам эътиборга лойиқ.

**Р.ҚОДИРБОЕВА**

# ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

ОГОҲЛИК

Оммавий ахборот воситалари, телевидение ёки ижтимоий тармоқлар орқали кунда-кунора қулоққа чалинаётган ёнғин билан боғлиқ ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Чунки бу талофат орқали инсонлар соғлиғи хавф остида қолади ёки мол-мулкка катта зарар етади.

Газ, кўмир ёқиладиган иситиш мосламаларининг мўрилари тозалигига эътибор қаратиш керак. Айниқса, ис газидан заҳарланишдан ниҳоятда эҳтиёт бўлмоқ зарур. Кимёвий моддалар, каучук ва пластмассдан ясалган буюмлар тез ёнишидан ташқари, ўзидан зарарли моддалар чиқариши билан ҳам хавфли. Нохуш ҳолатларнинг рўй беришига эса озгина бефарқлик сабаб бўлади. Кимдир уйидаги қўлбола иситгичдан ноўрин фойдаланади, яна кимдир болаларнинг гугурт ўйнашини оддий ҳол деб билади. Аксарият ҳолларда кўчада уюлиб ётган чиқиндиларни ёқиш орқали ҳам фалокат рўй беради. Ана шундай кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермаслиги учун ҳар бир фуқаро ёнғин хавфсизлигига риоя қилиши, симлар туташувидан пайдо бўлган учқун ҳақида ёнғин хавфсизлиги ходимларига дарҳол хабар бериши лозим. Ўзбошимчалик билан электр симларини улаш ҳам хавфли эканлигини унутмаслик даркор.

**Жаҳонгир СОДИҚОВ,**
**Ихтиёр ЎКТАМОВ,**
**ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари**

## БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шу йилнинг 10 март куни соат 15:00 да Ўзбекистон халқ ёзувчиси, "Тафаккур" журнали бош муҳаррири Эркин Аъзамнинг маҳорат дарси бўлиб ўтади.

Ушбу тадбирга ёш ижодкорлар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати**

**Дилрабо МИНГБОЕВА**

## *Икки карра жадвали*

**Йилларни ёйиб қўйдим,**
**учириб кетса кетар шамоллар.**
**Йиллардан ҳам баттар шошяпман,**
**шамолдан ҳам баттар шошяпман.**
**Бир нафасни икки шукрга қўпайтираман,**
**ҳижронни бўламан иккига.**
**Онамнинг юзларидаги**
**тириклик мадҳияси — ажинларни**
**ёдлаб оламан.**
**Ҳаётни енгаман,**
**севиб икки баробар.**

* * *

**Камалак рангидан жило,**
**капалакдан нафислик олиб,**
**сувлардан сўраб шаффофлик,**
**софликдан кўчириб нусха,**
**гул баргидан ғишт териб,**
**қуёш ёғдуси-ла ёпиб том,**
**асл сарой қурдим, дўстларим,**
**шоҳ — қалбим,**
**фуқаро — туйғулар учун.**
**Юрагимга ватан яратиб,**
**асрамоққа этилдим маҳкум:**
**— Артиб киринг оёғингизни...**
**Қўлингизда гул билан келинг.**
**Тартибланг кийим, сочингиз...**
**Тўхтанг,**
**ювиб олинг хаёлингизни!**

## *Сабр*

***Ўғлим Надимбекка***

**1**

**Бўронга чидадим.**
**Кўнглимни ёритган**
**Шамни ўчирдим.**

**Онам мени кутарди.**
**Соғиндим. Кейин**
**Уни унутдим.**

**Сабр — вақт,**
**Ўтиб кетди,**
**Жумладан, мен ҳам.**

**2**

**Надимим — нажотим,**
**Сабр қилма.**
**Улғай! Гулла!**
**Сев!**
**Изтиробни**
**Айлантир гулга!**

**Сабр — куз.**
**Ортидан фақат**
**Қиш келар.**

**Надимим — таскиним,**
**Сабр қилма ғамга,**
**тинимсиз,**
**муттасил,**
**ҳар лаҳза**
**мен учун**
**бахтли бўл!**

* * *

**Сочлари — шалола,**
**тароғи — шамол,**
**ой — соати,**
**юзи қуёш**
**пари Вақт,**
**ноз ила ўтарсан —**
**кўзинг тушганини олиб кетарсан.**

**Сочларим — гуллола,**
**тароғим — хаёл,**
**сабр — соатим,**
**эй қуёш юзли вақт — пари,**
**мен сени юзингга қарамай енгдим,**
**ютдим яшамай...**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Иброхим Муҳаммадга онаси

**СОЖИДА аянинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Ҳамкоримиз: Ипто akfa

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5302. Буюртма Г - 355.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 23.50.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42* *Санъат бўлими: 233-56-40* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*